O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 6-may, 2009-yil • №19 (623) • 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan • e-mail: hurriyat@mail.ru • www.uzhurriyat.uz

ХАЛҚ ЭЪТИРОФИ ҲАМИША МУҲИМ

Мен — журналистман!.. Салкам қирқ йил шу касбнинг нонини еб, тузини ичган одамнинг бундай дейиши ўринли, албатта. Шулар ҳақида ўйлар эканман, бир куни устознинг «Менга ёрдам беринг» сарлавҳали мақоласи чоп этилгандан кейинги воқеалар ёдимга тушди.

⇨ 4-бет

ОДАМНИ НИМА АСРАЙДИ?

Биз нимани йўқотаяпмиз? Оддийгина одамгарчиликни йўқотаяпмиз! Кўнгил хотиржамлигини, қалб оромини, дийдор завқини йўқотаяпмиз. Меҳр ришталари мустаҳкам кунлар минг чақирим йўлга отланганмиз.

⇨ 5-бет

УСТОЗ МАКТАБИНИНГ САБОҚЛАРИ

Домланинг ёш олимлар ўрнак олиши зарур бўлган фазилатлари кўп эди. Илмий ҳалоллик унинг учун эътиқод даражасига кўтарилган эди. Асарларида ҳатто ўзининг раҳбарлигида ёқланган диплом ишига ҳам ҳаволалар берилгани бунинг исботидир.

⇨ 6-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак жорий йилнинг 10-12 май кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.**
  Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

- **Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 11-моддасининг корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда ўзини ўзи бошқариш органларидаги ижроси тўғрисидаги масала муҳокама этилди.**

- **"Ўзэкспомарказ"да II Республика инновация ғоялари, технологиялари ва лойиҳалари ярмаркаси якунланди. Тадбир Ўзбекистон иқтисодиёти реал сектори ва илм-фани ўртасидаги кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш, уни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга бағишланди. Ярмаркада ўзбекистонлик олимлар ва янги техника ихтирочиларининг инновация фаолияти натижаларини жорий этиш бўйича умумий қиймати 13 миллиард сўмдан ортиқ қарийб 300 шартнома ҳамда аҳдлашув протоколлари имзоланди.**

- **Шу йил 30 апрель куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаоллар кенгашининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.**

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

ИНСОН — АЗИЗ, ХОТИРАСИ — ҚАДРЛИ

Ҳар бир халқнинг хотираси аждодлари макон тутган, меҳрини берган қадрдон заминда ота-онасининг чироғини ёқиб яшаётган миллатнинг, элатнинг бебаҳо бойлиги, нодир хазинаси, ҳеч ким дахл қила олмайдиган беназир мулкидир.

Бу хазина ўзининг бағрига неча минг йиллик давронлар тарихини, давронлар чархини айлантирган инсонлар тақдирини, эл бошидан кечган зафар ва мағлубиятлар, юксалиш ва таназзуллар тафсилотини, сабаб ва оқибатини, ибратли сабоқларини ўзида мужассам этган маънавий пойдевордир.

Олис ва бахтли келажакни орзу қилган, шунга интилган халқ эса авлодларга мерос қоладиган буюк ва мўътабар иморат — азиз Ватанини мана шу пойдевор узра қургандагина унинг абадиятини таъминлаган бўлади.

Жонажон Ўзбекистонимиз тарихи ўзининг теранлиги, жасорат ва қаҳрамонликка, ижод ва бунёдкорликка тўла нурли саҳифалари билан жаҳондаги энг қадимий халқлар ўтмиши билан бемалол тенглашадиган улуғ бир ёдномадир.

Истиқлол туфайли бу ёднома яна тўла-тўкислигича халқимизнинг мулкига айланди. Ўтмиш биз учун шунчаки варақланадиган китоб эмас, онгимизни тозартириб, кўнглимизни ғурур билан тўлдирадиган мангу барҳаёт чашмага айланди. Аждодлар тақдирига меҳр кўзи билан қараш, уларнинг моддий, маданий, маънавий, илмий, диний меросини ардоқлашга даъват этди.

1999 йил 9 май куни юртимизда "Хотира ва Қадрлаш куни" илк бор нишонланди. Ўша куни Юртбошимиз муаззам пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг марказида бунёд этилган мўътабар маскан — Хотира майдонининг очилиш маросимида сўзлаган нутқларида халқимиз маънавий ҳаётида янги бир саҳифа очадиган бу қутлуғ айёмнинг мақсад ва моҳиятига тўхталиб, шундай дедилар: *«Хотира ва Қадрлаш куни деган тушунча ғоят теран маънога эга. Бу фақат фашизм балосига қарши жангу жадалларда қатнашган, она-юрт ҳимояси учун умрини бахш этган кишиларни шарафлаш дегани эмас. Бу муборак кунда халқимизнинг асрлар давомида орзу-ният қилиб, интилиб келгани — ҳуррият ва озодлик йўлида ҳаётини қурбон қилиб шаҳид кетган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Номоз ботир каби халқ қаҳрамонларини, Қодирий, Беҳбудий, Мунаввар қори, Чўлпон, Авлоний, Фитрат, Усмон Носир сингари миллатимиз фидойиларини эслашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.*

Хотира ва Қадрлаш деганда биз, аввало, ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилатларимизни улуғлашни назарда тутамиз».

Ўша кундан бошлаб муҳтарам Президентимизнинг ташаббуслари билан юртимизда Хотира ва Қадр тушунчалари янгича маъно ва мазмун касб этиб, авлодлар силсиласининг замонлар тўфонида турли сабабларга кўра узилган занжирини қайтадан тиклаган, тарихимизнинг бир бутунлигини таъминлашга хизмат қиладиган эзгу анъана бўлиб қолди.

* * *

Гоҳо инсон боласининг ақл бовар қилмайдиган тарих ва тақдирнинг ўйинларини мушоҳада қилар экансан, халқимизнинг "қай бир жойда кечув топмаслар кечгани, қай бир жойда сув топмаслар ичгани", деган ибратли нақли эсга тушади. Чиндан ҳам бугун ер юзида истиқомат қилаётган халқлар тарихини варақалаб кўрсангиз, улар орасида бирорта зотни фахр-ифтихори сифатида дунё аҳлига кўз-кўз қилишга қурби етмайдиган, ўтмишининг ушбу саҳифалари бўм-бўш ётган миллатларнинг анчагина эканини пайқаш қийин эмас. Айни пайтда номи қадимдан бутун жаҳонга маълум ва машҳур, аммо ёдини улуғлайдиган халқидан ном-нишон қолмаган буюк сиймолар ҳам кам эмас.

Не бахтки, ўзбек халқининг тарихи неча юз йиллар давомида фақатгина шу заминда эмас, олам аро донг таратган, башариятнинг устозига айланган машҳур олим-у, уламолар, шоир-у, шуароларга шу қадар бойки, уларни бирма-бир қайд этадиган бўлсак, исми-шарифларининг ўзи ҳеч муболағасиз бир неча китобга жо бўлади.

Не бахтки, неча-неча асрлар муқаддам ақл-тафаккурининг кучини, юрагининг қувватини маърифатнинг ўлмас машъалига айлантириб, дунё тараққиёт йўлига абадий ёқиб кетган бу буюк инсонларни улуғлайдиган, ватандошлигидан ғурурланадиган, бебаҳо илмий ва диний, адабий ва маданий меросини кўзга суртиб ардоқлайдиган халқи, миллати бугунги кунда, нафақат, соғ-омон, балки руҳан кучқудратга тўлиб, буюк манзилларни кўзлаб турибди.

Шу боисдан ҳам миллий қадриятларига ихлоси баланд, аждодлар меросига садоқати чексиз бўлган юртдошларимиз бир ярим асрлик истибдод даврида номлари хўжакўрсинга тилга олинган ёки тилга олиш умуман тақиқланган буюк аждодларининг руҳини шод этишни ҳам қарз, ҳам фарз деб билмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИНИНГ

"ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ – 2008"

ТАНЛОВИ ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Азиз ҳамкасблар! Ўтган йили мамлакатимизни изчил тараққий эттириш ва модернизация қилиш, бошланган ислоҳот ва ўзгаришларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, иқтисодиётни босқичма-босқич ривожлантириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш, жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш йўлида жуда катта бунёдкорлик ва хайрия ишлари амалга оширилди.

Халқимиз эришаётган бу ютуқларни, унинг ўй-мақсадларини кенг ёритишда оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган сиз, журналистларнинг хизматларингиз катта.

Азиз ҳамкасблар, сизларни "Йилнинг энг фаол журналисти — 2008" танловида қатнашишга таклиф этамиз. Танловга 2008 йилнинг июнидан 2009 йилнинг июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар жорий йилнинг 1 июнигача қабул қилинади.

Материаллар таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари орқали тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан бирга муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши керак.

"Йилнинг энг фаол журналисти — 2008" танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар қуйидаги манзилга юборилиши лозим:
100129,
Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
3-қават,
30-, 35-, 37-хоналар
Телефонлар:
244-64-61;
244-64-62;
244-37-87.
E-mail:
ijod@sarkor.uz
www.Journalist.uz

ДУНЁ СИЁСАТИ

Мультимиллионер ғолиб



Панамада бўлиб ўтган президент сайловида консерватив сиёсат тарафдори, мультимиллионер Рикардо Мартинелли ғалаба қозонди. Мамлакат марказий сайлов комиссиясидан олинган маълумотларга қараганда, сайловчиларнинг 43,68 фоизи Мартинелли учун овоз берган. Мультимиллионернинг рақиби, амалдаги давлат раҳбари томонидан қўллаб-қувватланган Бальбина Эррера ундан икки баравар кам овоз олган.

La Prensa газетасининг ёзишича, 57 ёшли Рикардо Мартинелли Панамадаги энг йирик Super 99 супермаркетлари хўжайини ҳисобланади. Шунингдек, у яна саккизта йирик корхонанинг директорлар кенгаши аъзоси ҳамдир. Рикардо 2004 йилда ҳам ўз номзодини президентликка қўйган, лекин амалдаги давлат раҳбари Мартин Торрихосга ютқазган эди.

(Дунё сиёсатига оид хабарларнинг давоми бешинчи саҳифада) 5 »

ЖУРНАЛИСТ ҲАЯЖОНЛИ ЛАҲЗАЛАРДА

ЮРАК ҲАМИША УРИБ ТУРСИН

Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказининг юрак-қон томир касалликлари бўлимида бир йилда юздан ортиқ ниҳоятда мураккаб операциялар амалга оширилади. Яқинда "Hurriyat" мухбири улардан бирида иштирок этди

Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, дейди халқимиз. Худди шу мақолни саломатликка нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Негаки, кўпинча соғлигимиздан ҳеч қандай шикоят бўлмаган пайтлар, аслида тўрт мучамизнинг омонлиги ҳам энг катта бахт эканини ҳис қилмаймиз.

Аммо қўлимизнинг биргина бармоғига тикан кириб қолса борми, оғриқ зарбидан бор вужудимиз билан ўша тиканни суғуриб олишга уринамиз. Сўнг эса қалбимизда алланечук хотиржамлик туямиз. Энди тасаввур қилинг, ўша кучли оғриқ юракда бўлса-чи? Ҳа, соғлом одам бу ҳақда ўйлашга ҳам қўрқади. Аммо шу дарддан азоб чекаётган минглаб одамлар ҳам бор-ку.

Анчадан бери шулар ҳақида ўйлар эканман, хаста юракларни дарддан фориғ этаётган шифокорлар билан танишиш истаги тинчлик бермасди. Шу боис, қолаверса касб тақозоси сабаб пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия марказига йўл олдим.

Аввало, Марказ ҳақида икки оғиз сўз. Шифохона 1975 йилда ташкил этилган. Мустақиллик йилларида юртимиздаги бошқа соҳалар каби тиббиётга бўлган эътибор, ислоҳотлар туфайли мазкур тиббий маскан ҳам дунёдаги энг нуфузли шифохоналардан бирига айланди. Ҳозирги кунда бу ерда ўн учта бўлим (жумладан, жигар жарроҳлиги, қизил ўнгач ва ошқозон жарроҳлиги, туғма ва орттирилган юрак пороги жарроҳлиги, жигар циррози жарроҳлиги, ўпка жарроҳлиги ва ҳоказолар) мавжуд. Бинонинг биринчи қаватида поликлиника жойлашган бўлиб, даво излаб келган беморлар дастлаб шу ерда барча зарур текширувлардан ўтказилади. Агар касаллик оғир бўлса, юқори қаватлардаги бўлинмаларда ётиб даволаниш тавсия этилади. Илғор технологиялар билан жиҳозланган бу поликлиникага бир йилда ўртача 70-75 минг бемор мурожаат қилар экан.

3 »

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ИНСОН — АЗИЗ, ХОТИРАСИ — ҚАДРЛИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Бугунги кунда шаҳарларимизнинг марказий майдонларида қад кўтариб турган Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад ал-Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари дунёга донги кетган олим-у шоирлар ҳайкалларининг пойи, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Бурҳониддин Марғиноний, Имом ал-Мотрудий, Баҳовуддин Нақшбанд сингари ислом оламини мунаввар этган улуғ зотларнинг қайта тикланган, ажиб бир ихлос билан обод этилган қадамжолари дунё аҳли учун қутлуғ зиёратгоҳ бўлиб қолди. Буюк саркарда ва давлат арбоблари Жалолиддин Мангуберди билан Амир Темурга қўйилган ҳайкаллар эса Ватан озодлиги ва миллатимизнинг эркинлигини муқаддас билган ҳар бир юртдошимиз, айниқса ёш авлод учун ўзбекона жасорат ва матонатнинг тимсолига айланди.

Холисона айтганда, Ватанимизнинг, халқимизнинг тарихини асл ҳолида ўрганиш эндигина бошланди. Археологик қазилмалар, юртимиздаги ва хориждаги кутубхоналар, музейлардаги қадимий қўлёзмалар устида бошланган илмий изланишларнинг ҳали не-не сирларни очиши, ёднамизни не-не табаррук зотларнинг исми-шарифлари билан мунаввар қилиши шубҳасиз. Модомики шундай экан, "Хотира ва Қадрлаш куни"да улуғланадиган аждодларимиз рўйхати янада кенгаяди, бу эса ушбу қутлуғ айёмга умрбоқийлик бахш этади.

* * *

Гарчи, мавзуга бевосита дахлдор бўлмаса-да, билвосита алоқаси бўлган бир гапни айтишга тўғри келади. Гоҳида, оммавий ахборот воситаларининг "хизмати" билан айрим иборалар яшин тезлигида оммалашиб, истеъмолга кириб кетади. Омма эса унинг мазмун-моҳиятига эътибор бериб ўтирмасдан, ўринли ва ўринсиз ишлата беради. Узоққа бормасдан, ҳозирги пайтда тез-тез ишлатиладиган бир иборани мисол қилиб олиш мумкин. Маълумки, сўнгги йилларда бутун жаҳонда халқаро терроризмнинг турли кўринишлари хуруж қилиб, қўпорувчилик ҳаракатларини амалга оширмоқда, жамоат жойларда портлашлар уюштирмоқда. Шундай кезда радиоэшиттиришлар, телекўрсатувларда, газеталар саҳифаларида "воқеа жойида фалон нафар бегуноҳ кишилар нобуд бўлди ёки жабр чекди", қабилидаги хабарлар берилади.

Бунақа ахборотларни кўриб, эшитиб, ўқиб, беихтиёр ёқа ушлайсан. Бу ғайриинсоний фожиа туфайли қурбон бўлган кимсаларнинг гуноҳкор ёки гуноҳсиз экани қайси мезонга кўра белгиланганини ва ким белгилаганини тушунмай қоласан киши. Балки журналистлар назарида ўз тирикчилиги кўйида юрган ва кутилмаган офатга дучор бўлган фуқаролар гуноҳсиз-у, шу атрофда тинчлик ва осойишталикни муҳофаза қилаётган ёки бузғунчини таъқиб қилаётган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари "гуноҳкор" ҳисобланармикин, деб ўйлайсан.

Бу гапни айтишдан муддао шуки, зулм ва зўравонлик, қўрқув ва истибдод асосига қурилган тузум даврида қатағонга гирифтор қилинган инсонларга нисбатан жуда кўп ҳолларда "ноҳақ жабрланганлар", деган ибора қўлланилади. Дарҳақиқат, 1937-1953 йилларда биргина Ўзбекистондан 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланганининг ўзи ҳам адолатсизликнинг энг мудҳиш кўринишидир. Давлатимиз раҳбарининг "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқида айтганидек, "...сиёсатдан мутлақо узоқ бўлган, минг-минглаб оддий деҳқонлар, ҳунармандкосиблар, ишчи-хизматчиларнинг бегуноҳ қурбон бўлиб кетгани аянчли бир ҳолдир".

Чиндан ҳам отилган, қамалган, сургун қилинган бу бахтиқаролар шўро тузумига қарши қўл кўтаришни хаёлига келтириш у ёқда турсин, ўзининг рўзғорини аранг тебратиб, суронли даврнинг офатларидан омон қолганига шукур қилиб юрган оддий фуқаролар бўлганки, уларга нисбатан "ноҳақ қатағон қилинганлар" атамасини ҳеч иккиланмасдан қўлласак, инсоният тарихидаги энг шафқатсиз, қонхўр, зўравон тузумнинг қурбонлари, жарбрдийдалари, деб атасак заррача хато қилмаймиз. Аксинча, улар бошига солинган қора кунларнинг мазмун-моҳиятини тўлақонли ифодалай олмаганимиздан ўнғайсиз аҳволга тушамиз. Зеро, оламда бегуноҳ одам чеккан азобдан кўра оғир уқубат ва алам йўқдир.

Аммо, "Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Боту сингари маърифат ва маънавият, адабиёт ва санъат соҳасида ўчмас из қолдирган сиймолар ҳақида гап кетганда, уларнинг аччиқ ва аламли қисматига нисбатан "ноҳақ қатағон қилинган", дея ҳукм чиқарсак адолатдан бўладими, бу билан истиқлол фидойиларининг хизматини камситган, шаънини ерга урган, ҳаққига хиёнат қилган бўлмаймизми?" деган фикр менга кўп йиллардан бери тинчлик бермайди.

Чунки, бу вазиятда юқорида тилга олинган улуғ зотлар ва уларнинг сафдошлари "октябрь тўнтариши юз берган кунданоқ янги тузумни бағрини очиб, қувонч билан кутиб олган эди, ҳаётларининг мазмуни ва шиори бўлган миллатпарварлик ва маърифатпарварлик ғояларидан воз кечиб, тажовузкор ҳокимиятнинг баландпарвоз ёлғонларга, ҳавойи ваъдаларга йўғрилган йўлини чин дилдан маъқуллаган, ер юзининг бешдан бир қисмига сочилган ўнлаб эл ва элатларга, хусусан, ўзбек халқига нисбатан амалга оширган ғайриинсоний сиёсатини қўллаб-қувватлаб, уни амалга ошириш учун белини маҳкам боғлаб хизмат қилган эди, бироқ, бағритош тузумнинг номард раҳнамолари виждонсизлик қилиб, бу инсонлар кўрсатган садоқатининг қадрига етмади, қатағон балосига гирифтор қилди", десак тўғри бўладими, ҳаёт ҳақиқати олдида юзимиз шувит, виждонимиз олдида башарамиз қора, бугунги ёшлар ва келгуси авлод олдида бебурд кўриниб қолмаймизми?

Дарҳақиқат, бутун сиёсати ўзга миллатлар устидан ҳукмронлик қилишга асосланган чоризмнинг зуғум ва зулмларидан безор бўлиб, тиш қайраб юрган ўзбек халқи дастлабки пайтларда шўролар тузумини қўркув, ҳадиксираш, иккиланиш, бир озгина хайрихоҳлик билан кутиб олгани тарихдан маълум. Сал ўтмай фуқароларнинг қадр-қимматини оёқ ости қилиш, эркини топташ борасида бу тузумнинг ҳам олдингисидан қолишмаслиги, сиёсати миллатимизнинг азалий турмуш тарзига, диний, маънавий руҳига зид экани маълум бўлгач, ҳақиқий эркинликка эришиш учун курашга киришилди.

Бу жараён икки жабҳада кечди. Биринчиси, қуролли кураш бўлиб, ўтган асрнинг қирқинчи йилларигача турли ҳудудларда турлича шаклда олиб борилди. Аммо, муваффақиятсизликка учради. Бунинг асосий сабабларидан бири қизил армиянинг сон жиҳатдан кўплиги, унинг сафидаги турли миллатга мансуб жангчиларнинг биринчи жаҳон урушида чиниққани, нисбатан яхши қуроллангани, уюшқоқлиги ва ҳаракатларининг қатъий интизомга асосланганидаги эди. Истиқлол ҳимоячиларига эса жангчиларининг аксарияти оддий деҳқон ва чўпон болаларидан чиққани, жанговор таълим кўрмагани, ночор қуролланганлиги, ишончли моддий-молиявий захирага эга бўлмагани, бунинг устига етакчиларининг замонавий ҳарбий илмдан бехабарлиги, Ватан ва халқнинг озодлигини, муқаддас ислом динининг дахлсизлигини ҳимоя қилишни мақсад қилиб олган бўлса-да, ўзларининг маҳаллий маҳдудлик, такаббурлик, ўзбошимчалик иллатларига ўралашиб қолиши қаттиқ ланд берди.

Буни кўзлари билан кўрган, ўзлари чин дилдан хайрихоҳ бўлган қуролли гуруҳларни мағлубиятга олиб келган сабабларни таҳлил қилган маърифатпарварлар, токи, бутун миллат бирлашмас, замонавий илм-фан ютуқларидан баҳраманд бўлмас, уруғчилик, қабилачилик туйғуларидан қутулмас экан, фақат қурол ёрдамида мақсадга етиб бўлмаслигини тушундилар.

Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларига келиб шаҳидлар руҳи яна бир бор безовта этилди. Қатағон балосига гирифтор этилган инсонларнинг бутун уволи Сталиннинг зиммасига юкланиб, қурбонлар номига ёпиштирилган "халқ душмани" тамғасини олиб ташлаш, уларнинг беадад азоб-уқубатлар чеккан фарзандлари, қариндош-уруғларининг ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш борасида бир қатор ишлар қилинди. Тарихчиларнинг ҳисоб-китобига кўра, "Ўзбекистон бўйича қатағон қилинган тириклар ва ҳалок бўлганлардан 40 мингга яқини оқланди".

Шу ўринда "оқланди" сўзи бир қадар ўз вазифасини бажарди, деб ҳисоблаш мумкин. Чунки шу тарзда ҳақиқат қарор топиб, таг-туги йўқ, тушларига ҳам кирмаган жиноятларда айбланган минглаб юртдошларимизнинг чиндан ҳам бегуноҳлигини кўрсатди.

Лекин чуқурроқ ўйлаб кўрилса, ўша даврда ишлатилган "оқланди" сўзи Абдулла Қодирий, Усмон Носир сингари бир қатор зотларга нисбатан ишлатилганда ҳақиқатомуз маъно касб этади. Яъни, бундан улар аслида шўро тузумига қарши курашмаган, аксинча, унга садоқат билан хизмат қилган эди, аммо, мустабид тузумнинг бегуноҳ қурбонига айланганди, деган фикр келиб чиқади.

То миллий истиқлолга эришгунимизга қадар мана шу қарашнинг устуворлик қилиб келгани ҳам сир эмас. Тадқиқотчилар ҳукмрон мафкуранинг ғашига тегмаслик учун, шу нуқтаи назардан туриб, миллатимизнинг асл фарзандлари номларини тиклаш, халқимизни уларнинг меросидан баҳоли қудрат баҳраманд қилиш йўлини тутдилар. Зеро, бундан бошқа чора ҳам йўқ эди. Айрим жасоратли адибларнинг сал дадилроқ ҳаракат қилиб, ҳақиқатнинг бир четинигина очиш учун қилган хатти-ҳаракатлари ашаддий қаршиликка учради. Атоқли олим Озод Шарафиддинов томонидан тайёрланган "Тирик сатрлар" китобининг ёқиб юборилгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Аслида эса бевақт завол топган ушбу зотларнинг бир қисми давлатимиз раҳбари таърифи билан айтганда, "Зулм ва зўравонликка қурилган мустабид, бешафқат тузум даврида ўзлигини, миллат қадр-қимматини теран англаган, ижтимоий-сиёсий онги юксак, халқни уйғотишга, халқни бошқаришга қодир бўлган, маърифат ва маънавият йўлида фидойилик кўрсатган..." беназир ақл-заковат соҳиблари эди.

Мана шу тарихий адолатни тиклашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 12 майда қабул қилган Фармойиши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўша йили 24 июлда қабул қилган "Ватани ва халқининг озодлиги йўлида жонини фидо қилган ватанпарварларнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ушбу тарихий ҳужжатларда биринчи бор қаттол тузумнинг ваҳшатидан чўчимасдан халқини Ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун курашга чорлаган инсонларнинг миллат қаҳрамонлари экани эътироф этилиб, уларнинг хизматига муносиб баҳо бериш, номларини абадийлаштириш юзасидан кенг кўламли тадбирлар белгиланди. Тошкент шаҳрида "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуининг ўрнатилиши ҳамда "Қатағон қурбонлари" музейининг ташкил этилиши марҳумларга нисбатан халқимиз ҳурмат-эҳтиромининг амалий ифодаси бўлди.

* * *

9-майнинг — "Хотира ва Қадрлаш куни" деб аталиши эса буюк аждодлар, истиқлол фидойилари билан бир қаторда халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган азиз ўғил-қизларининг номини янги тарихимиз саҳифаларига муҳрлаш борасидаги муҳим сиёсий-ижтимоий аҳамиятга молик воқеа бўлди, десак асло хато қилмаймиз.

Тошкент шаҳридан бошланган хайрли иш кенг қанот ёйиб, барча вилоятлар ва туманлар марказларида шаклан ўзига хос, моҳиятан эса элнинг азиз фарзандлари ёдини абадийлаштиришга бағишланган гўзал ва муҳташам Хотира майдонлари бунёд этилди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Ўзбекистонда шўро тузуми даврининг "Исминг номаълум, жасоратинг абадийдир" деган тутуриқсиз шиорнинг қурбонига айланиб, шаъни "номаълум аскар" тамғаси билан муҳрланган бирорта марҳум қолмади. Олимларнинг, тарихчиларнинг кенг жамоатчиликнинг иштирокида жанг майдонларидан қайтмаган 530 минг нафар баҳодирларнинг исми-шарифи, туғилган ва ҳалок бўлган йилигача аниқланиб, ҳам мармар, ҳам қоғоздан иборат кўп жилдли "Хотира китоблари"га ўчмас қилиб битилди.

"Хотира ва Қадрлаш куни" ҳаётимиздан ўрин олган кундан бошлаб моҳиятан янада кенгайди ва гўзал анъанага айланди. Бу қутлуғ кунда ватандошларимиз шонли тарихимизнинг нурли саҳифаларини мунаввар этган барча улуғ аждодлар билан биргаликда яқин ўтмишда халқнинг хизматига камарбаста бўлиб, иқтисодий ва маънавий юксалишига самарали ҳисса қўшган зотларни ҳам ёдга олиб, ўз эҳтиромларини изҳор этмоқда.

Бахтиёр РИЗО

"ОЛТИН ҚАЛАМ" ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛДИ

Маълумки, жорий йилнинг 1 май куни пойтахтимиздаги муҳташам "Туркистон" саройида журналистика соҳасида "Олтин қалам" IV Миллий мукофоти учун ўтказилган халқаро танлов ғолиблари ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Танловнинг бош миллий мукофотини қўлга киритган Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Ўзбекистон" телерадиоканалининг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририяти ижодий гуруҳи — гуруҳ раҳбари Мамадамин Сафаров — махсус диплом ҳамда энг кам иш ҳақининг 200 баробаридаги пул мукофоти билан тақдирланди. Танловнинг телевидение, радио, даврий нашр ва интернет-журналистикаси йўналиши, шунингдек, рағбатлантирувчи мукофотлар совриндорлари ҳам пул мукофотлари билан тақдирланди. Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

Матёқуб НАРЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

"БЕШТЕКС"НИНГ ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАРИ

Фарғона вилоятининг Бешариқ туманидаги "Бештекс" — Ўзбек — Олмон қўшма корхонаси АҚШ, Италия, Германия, Туркия ва Японияндан келтирилган энг замонавий ва тўлиқ компьютерлаштирилган дастгоҳлар билан жиҳозланди. Эндиликда бу ерда "Интерлок", "Рикс" ва "Супрем" ассортиментидаги матолар ишлаб чиқарилмоқда. 350 нафардан зиёд маҳаллий ёшлар ишлаётган корхонада тайёрланаётган эркаклар ва болаларнинг кийим-кечаклари, бевосита харидорнинг буюртмаси билан безак берилувчи футболкалар кун сайин аҳолига манзур бўлиб бормоқда. Жорий йил охирига бориб корхонада иш ўринларини мингтага етказиш кўзда тутилмоқда.

Солиҳ ҚАҲҲОР,
"Hurriyat" мухбири.

"ИПОТЕКА БАНК" КЎМАГИДА

Мамлакатимизда ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда. Бу борадаги Президентимиз Фармони молиявий муассасалар фаолиятида дастур вазифасини ўтамоқда. Яқинда Бухоро шаҳридаги Алишер Навоий шоҳ кўчасида бунёд этилган 2 та ҳар хил 32 хонадонли турар жойлар 64 ёш оилага тантанали равишда фойдаланишга топширилди.

—"Ипотека банк" АТИБ Бухоро вилоят филиалининг кўмаги билан уйли бўлдик, — дейди фуқаро Нуриддин Жабборов. — Ҳукуматимиз биз каби ёш оилаларни доимий равишда қўллаб-қувватлаётганидан бениҳоя мамнунмиз.

Шавкат НОСИРОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ВАЛЮТАФУРУШЛАР

Ҳазорасп шаҳрининг Ойбек Собиров валюта олди-сотдиси билан ноқонуний шуғулланишни ўзига касб қилиб, пул топишга қизиқиб қолганида, бир куни барибир қонун олдида жавоб бериши муқаррар эканини хаёлига ҳам келтирмаганди. Чунки "бели синмаган" пуллар чўнтагига бетиним оқиб кираётганидан кибрланган "тадбиркор" ҳамма нарсани пул билан сотиб олса бўлади, деб хаёл қиларди. Аммо ўйлаганлари пуч бўлиб чиқди. У шериги Фарҳод Жуманазаров билан мижозга Ҳазорасп буюм бозоридаги бир дўконда 2000 АҚШ долларини қонунга хилоф равишда сотаётган пайтда қўлга тушди.

Валютафурушлар қонунга биноан тергишли жазога тортилдилар.

Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

КАНТОН ЯРМАРКАСИГА ТАКЛИФ

Хитойнинг Гуандун вилоятидаги Гуанчжоу шаҳрида 1957 йилдан буён ҳар баҳор ва куз фаслларида махсус кўргазма ташкил этилади. Унга дунёнинг турли давлатларидан тадбиркорлар таклиф этилиб, қишлоқ хўжалиги, санъат, маданият соҳасида эришилган энг сўнгги ютуқлар намойиш этилади, шартномалар имзоланади. Ушбу ярмаркага бу йил биринчи марта қашқадарёлик қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва қурилиш индустрияси, саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган ишбилармонлар, кичик бизнес ва хусусий сектор вакиллари таклиф этилди. Улар Кантон кўргазмасига мева-сабзавотлар, сут ва гўштни қайта ишловчи, қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган махсус замонавий технологик воситаларни харид қилиш, шартномалар тузиш нияти билан боришади.

Пўлат ГАДОЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ПАРКЕНТДА МУҲАРРИРЛАР УЧРАШУВИ

Тошкент вилоятида нашр этиладиган туман ва шаҳар газеталари муҳаррирларининг ҳар ойда бир марта ўзаро тажриба алмашиш, журналистлар маҳоратини ошириш хусусида фикрлашиб олиш учун семинар йиғилишлар ўтказилиши анъана тусига кирган. Ана шундай тадбирларнинг навбатдагиси яқинда "Паркент тонги" газетаси таҳририятида бўлиб ўтди. Йиғилганлар газетада кўтарилаётган хилма-хил мавзулар ва мулоҳазали-мунозарали мақолалар ҳақида фикр юритишди. Вилоятда чоп этилаётган матбуот нашрларини ўйлантириб келаётган айрим муаммолар юзасидан аниқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Келгусидаги ишлдар режалантириб олинди.

Семинар сўнгида Паркент туманининг хушманзара жойларига саёҳат уюштирилди.

Ҳамид ПОРҚУЛОВ,
"Hurriyat" мухбири.

КЕЧИНМА

"Сурхондарёда интернет-журналистика борми?"

Жонажон пойтахтимизнинг муҳташам "Туркистон" саройида ўтган "Олтин қалам" IV Миллий мукофотини топшириш тантанасида интервью олар экан пойтахт мухбирларидан бири менга айнан ана шундай савол билан мурожаат этди.

Рости, яхши-ёмон саволлар билан суҳбатдошининг "жиғига тегиш" ва шу йўл билан уни кўпроқ ва очиқроқ гапиртириш журналистнинг касбий "амал"ларидан бири эканини билсамда, бу савол мени бироз оғринтирди. "Республиканинг энг олис, жанубий вилояти — Сурхондарёда ҳам тараққиёт борми?" деган шаъма бордек эди бу савол замирида.

Касбдошимга бизда ҳам мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидагидек кенг кўламли бунёдкорлик ишлари бўлаётганини, жанубликларнинг турмуш даражаси йил сайин яхшиланиб, барча соҳаларда туб ўзгаришлар ясалаётганини айтиб бергим келди.

Ҳа, бугун воҳанинг шаҳарларидагина эмас, балки узоқ-яқин қишлоқларида ҳам кўплаб замонавий бинолар қад ростламоқда, уларда ишлаб чиқариш, сервис ва маданият соҳасидаги янги-янги объектлар фаолият кўрсатмоқда, ижтимоий ва иқтисодий инфраструктура яхшиланмоқда. Дарвоқе, амалга оширилаётган бу ва бошқа кўплаб ишлар ОАВ орқали изчил ёритиб борилаяпти. Бунинг учун эса сурхондарёлик журналистларда барча шарт-шароитлар бор.

Журналистларнинг эмин-эркин, давр талаблари даражасида ижод қилишлари учун вилоятдаги 30 дан зиёд газета, 10 га яқин телева радиоканалларнинг таҳририятларида замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, рақамли электрон асбоб-ускуналарнинг барчаси мавжуд.

Сурхондарёлик касбдошларимиздан Фазлиддин Абдураззоқов, Назип Сулейманов, Илҳом Раҳматов, Сауле Азимбетоваларнинг материаллари Интернет сайтларида тез-тез эълон қилиб борилмоқда. Менинг ҳам ижтимоий ва иқтисодий мавзуларда ёзган таҳлилий мақола, хабар ва репортажларимни миллий сайтларимиздан, шунингдек, халқаро сайтлардан топиб ўқиш мумкин.

Мени саволга тутган ўша ҳамкасбимга ижодий режаларим ҳақида ҳам гапириб бергим келди. Айни пайтда ўз олдимга Интернет-журналистика билан боғлиқ икки вазифани қўйганман. Бири — Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган, вилоятни 2008-2012 йилларда иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришга мўлжалланган дастур асосида воҳада амалга оширилаётган ишларни изчил ёритиш орқали миллий мустақиллигимизнинг юрт равнақи, халқимиз тақдиридаги аҳамияти ҳақида кўпроқ қалам тебратиш, иккинчиси эса гўзал Сурхон воҳасининг бетакрор табиати, тарихий ва маданий ёдгорликларини, удум, анъаналарини ранг-баранг ҳамда қизиқарли тарзда тасвирлаш орқали чет элликларнинг юртимизга бўлган қизиқишларини янада ошириш, шу йўл билан экотуризмни ривожлантиришга ўз ҳиссамни қўшишдан иборат.

Бу борада илк қадамларни қўйганман, республика ва халқаро сайтларда эълон қилинаётган материалларимнинг аксарияти шу йўналишда. Бир муддат олдин уларнинг айримларини "Олтин қалам" Миллий мукофоти танловига юборгандим. Камтарона меҳнатим танлов ҳайъати томонидан юксак баҳоланди. Албатта, бу юксак мукофот биргина менинг меҳнатим самараси эмас. Унда устозларимнинг, ҳамкор ва ҳамфикр дўст-биродарларимнинг ҳиссаси катта. Уларга кўрсатган кўмаклари, рағбат ва маслаҳатлари учун самимий миннатдорчилигимни билдириб, барчаларига соғлик-омонлик, янги-янги ижодий зафарлар тилайман. Бу фикр-туйғуларимни қоғозга кўчириб, республика газетаси орқали баён этишимга сабабчи бўлган, "Сурхондарёда ҳам интернет-журналистика борми?" дея савол бериб, дилимдагиларни айтишга ундаган ҳурматли касбдошимга ҳам раҳмат.

Гулбаҳор ТАНГИРОВА,
Журналистика соҳасида "Олтин қалам" IV Миллий мукофотининг "Энг яхши журналистик материал учун" (Интернет-журналистика) номинацияси бўйича 2-ўрин соҳиби.

AGROBANK

Маблағларини кўпайтиришни истаганлар учун!

Пулларингизни самарали бошқарибгина қолмай, Сиз пул ютуқлари ҳамда қимматбаҳо совғаларнинг, яъни музлатгич, кир ювиш машинаси, рангли телевизорлар ва бошқа уй-рўзғор буюмлари каби ютуқларнинг эгаси ҳам бўлишни хоҳласангиз, АГРОБАНКнинг миллий валютадаги янги ютуқли омонат турларида ўз маблағларингизни жамғаринг.

Йиллик 14 фоиз миқдорида ҳақ тўланадиган **"ОМАД"** ҳамда **"АГРОКАПИТАЛ"** муддатли ва жамғарма омонат турларида маблағингизни 3, 6, 9 ой муддатларда кўпайтириб, ОМАДга эришинг!
Шу билан бирга, 6 майдан эътиборан АГРОБАНК миллий валютадаги 26 фоиз миқдорида ҳақ тўланадиган **"АГРОЛЮКС"** муддатли омонат турини таклиф этади!

Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда омонатчига тўлаб берилади.

Омонатлар бўйича ҳисобланган фоизли даромадингиз биринчи талабдаёқ берилади. Унутманг, "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларига жойлаштирилган пул маблағлари давлат томонидан ҳимояланган ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонунан юз фоиз таъминланади!

Агробанк омонатларига қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сири ҳисобланади.

Эслатиб ўтамиз, ютуқлар миқдори ютуқ чиққан ҳисобварақларга матбуотда эълон қилинган расмий жадвалга асосан ҳар ойда ўтказиб борилади!

Пулларингиз ишлайди ва даромад келтиради!

АГРОБАНК – юрт ободлиги ва яратувчанлик ғояларининг молиявий таянчи!

Қўшимча маълумот учун 150-53-65 телефон рақамига мурожаат этишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

ЮРАК ҲАМИША УРИБ ТУРСИН

(Бошланиши 1-бетда.)

Шулардан 6 мингга яқини касалхонанинг ўзида ётиб даволанади. Марказ раҳбарияти берган маълумотларга қараганда, шифохонада бир йилда ўртача 4 мингта жарроҳлик амалиётлари ўтказилмоқда. Шундан 75-80 фоиз операциялар мамлакатимиз бўйича фақат шу ерда бажарилади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, йил давомида қилинаётган жарроҳликларнинг 700-750 таси сунъий қон айлантириш аппарати ёрдамида амалга оширилади. Бу эса марказда энг оғир юрак хасталиклари операцияларига ҳам қўл урилаётганидан далолатдир. Қолаверса, бу ерда жигар ва ўт йўллари, ошқозон ости безларидаги оғир хасталиклар, бундан ташқари жигар ўсмалари, жигар циррозига чалинган беморлар ҳам жарроҳлик амаллиёти натижасида дарддан холос қилинаяпти. Касалхонанинг бухгалтерия бўлими ходимларининг айтишича, энг мураккаб жарроҳликлар 50 фоизгача арзонлаштирилган нархларда бажарилмоқда.

Балки юқоридаги фикрлар ҳам камгадир қизиқдир. Аммо менга бу ерда бажарилаётган мураккаб операцияларга бевосита гувоҳ бўлиш, жараённи ўз кўзим билан кўриш янада қизиқарлироқ туюлди. Шу мақсадда, марказ раҳбариятининг рухсати билан шифокорлар сингари бошдан-оёқ оппоқ либос кийиб, операция хонасига кирдим ва мураккаб жарроҳлик амалиётларида иштирок этдим. Қуйида шундай жарроҳликларнинг бири ҳақида (аввало, касалликнинг пайдо бўлиши, сўнг операция жараёни, қолаверса жарроҳликдан кейинги ҳолат) ҳикоя қилинади.

* * *

Ривоятларнинг бирида шундай дейилади: бир фозил киши дунёдан кўз юмди. Уни шариат қоидаларига кўра барча расм-русумлар амалга оширилгач, тобутга солдилар. Сўнг қабристонга олиб кета бошладилар. Майитни кўтариб бораётган одамлар орасида бир табиб ҳам бор эди. У кишиларга қараб:

— Аттанг, бечора, агар фалон дорини ичиб, фалон муолажани қилганида у ҳали яшар эди, — дермиш нуқул.

— Шу гапингни унинг тириклигида айтсанг бўлмасмиди? — дейишибди йиғилганлар унга қаҳр билан.

Ҳа, сўнгги пушаймондан ҳеч ким фойда топган эмас. Яхшиси, инсон тириклигида дардини аритмоққа ҳаракат қилиши, нафақат ўзининг соғлиги, шунингдек, яқинларининг саломатлигига ҳам бефарқ бўлмаслиги керак.

Баъзида "Бир қўшнимиз тунда уйқуга кетиб қайта кўз очмабди", "Амаким овқатланаётган пайтида бехосдан бандаликни бажо келтирган" ёки "Опам кўрпа қавий туриб оламдан ўтганки, биз бехабар қолганмиз" қабилидаги гап-сўзларни эшитамиз. Бундай кезларда тақдир экан-да, деймиз. Ҳа,албатта, Аллоҳ хоҳиши, аммо... ўлимга олиб келувчи турли хасталикларнинг вақтида олди олинганда, тўғри муолажа қилинганда, балки бундай бўлмаслиги ҳам мумкин эди. Гап шундаки, ҳозир бутун дунё бўйича кенг тарқалган хасталиклардан бири юракқон томир касаллиги (юрак ишемик хасталиги) ҳисобланади. Биз тилга олаётган марказда эса юрак-қон томирлари жарроҳлиги бўлими мавжуд бўлиб, шифокорлар юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларга баҳоли қудрат кўмак бермоқдалар.

* * *

Халқимиз қишнинг охири ва баҳорнинг бошланишини "илик узилди" пайт дейди. Бу даврда инсон организмидаги кўплаб хасталиклар кучаяди. Киши ўзида дармонсизлик сезади. Бемор одамнинг эса аввал билинмаган касалликлари ҳам юзага чиқа бошлайди.

Шундай кунларнинг бирида хоразмлик эллик ёшли Рўзибой ака ҳам ярим кечаси ўзини лоҳас сезди, ўз тили билан айтганда "ичида зарда қайнагандай" бўлди. Туриб совуқ сув ичди. Тоза ҳавода айланиб келди-да, хонада ўтириб зўрга тонг оттирди. Кун ёришганда эса доимий ташвишлари билан овора бўлгани учунми тундаги кўнгилсизликлар ёдидан чиқиб, ўзини тетик ҳис этди. Аммо кечга яқин яна бояги ҳолат такрорланди. Кўкрак қафасининг ичида олов ёнаётганга ўхшарди. Кўринишидан камгап, иродали экани билиниб турган Рўзибой ака бировга сир бермади. Чап елка қисмининг билинар-билинмас оғриши, кўкрагининг куйиши тобора кучая бордики, энди у "шамоллаганман-ов, санчиқ турди, шекилли", деб ўйлади. Аммо бир неча кун ўтса ҳам "шамоллаш"и ўтиб кетмасди. Кетма-кет тамаки чекар, ўз аҳволига ўзи ҳам ҳайрон эди. Шу тарзда бир неча ҳафталар ўтди. Агар бир куни шифокор дўсти уйига меҳмон бўлиб келмаганида, эҳтимол ўзининг жиддий хасталикка учрагани билмасди ҳам. Меҳмон суҳбат асносида мезбоннинг аҳволидан хабардор бўлиб, унга тезда туман касалхонасига бориб юрагини тиббий кўрикдан ўтказиши зарурлигини тайинлади.

Рўзибой ака дастлаб ўзи яшайдиган Боғот туман касалхонасига бориб, дардига даво излади. Аммо шифокорлар тавсия қилган дорилар дармонларнинг фойдасини сезмагач, Урганч шаҳридаги кардиология марказига бориб, кардиолог Зулфия Раҳмоновадан маслаҳат сўради.

— Юрагимнинг қон томирларида жиддий касаллик бор, деган фикр хаёлимга ҳам келмаган. Уй шароитида озроқ даволансам, спиртми, мазми сурсам, кўкрак қафасим ва чап елкамдаги оғриқлар қолади, деб ўйловдим,— дейди Рўзибой ака. — Бир неча кун ўз-ўзимни "даво"лаб юрдим. Аммо бир дам тетик юрсам, озроқ фурсат ўтгач яна бояги оғриқ баттар кучаяверди. Туман касалхонасида сизда юрак хасталиги бор экан, дейишганда, рости, унчалик ишонмагандим. Бир-икки кун даволансам тузалиб қоларман, деган фикр билан бепарво бўлдим.

Шундай қилиб, шифокорларнинг маслаҳати туфайли Рўзибой ака академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия марказида даволанишга йўлланма олди. Бу марказ ҳақида у аввалроқ эшитмаган, шундай касалхона борлигини билмасди ҳам. Шифохонанинг биринчи қаватидаги поликлиникада уни барча зарур текширувлардан ўтказишди ва... Келинг, яхшиси, қолган гапни у кишининг ўзидан эшитсак:

— Очиғини гапирсам, бу ерга келишимдан аввал турли хаёллар исканжасида юрдим. Ахир Тошкентдай шаҳри азимда бирор таниган, билган одамим бўлмаса, қандай бўларкин-а, деган хавотирда эдим. Йўқ, бекорга ташвиш чеккан эканман. Мени яхши кутиб олишди. Учтўрт кундан сўнг коронарография (юрак-қон томирлари текшируви)дан ўтдим. Натижа эса... операция қилишдан ўзга чора йўқлигини кўрсатди.

* * *

Айнан шу бемор касаллиги ҳақида даволовчи шифокор Муроджон Аҳмедовдан сўрадим.

— У юрак ишемик касаллиги билан хасталанган. Маълумки, юрак иш фаолиятини таъминловчи учта шоҳ томир бор. Агарда шу томирлардан бировининг фаолияти бузилса, яъни қон томири торайиб, қон айланиш тизими яхши ишламаса кўкрак қафаси соҳасида оғриқ пайдо бўлиши мумкин. Тўлиқ текширувлар натижасига кўра, бу бемор юрагидаги учта шоҳ томирларнинг бирида 50 фоиз қон айланиб турибди. Бу унчалик ёмон кўрсаткич эмас. Аммо қолган иккитасининг қон йўли бирида 85 фоиз, яна бирида 95 фоиз тўсилган. Бундай ҳолатда энг оқилона чора — операция. Бундай жарроҳликни эса нафақат юртимиз, балки бутун Марказий Осиё давлатлари бўйича ҳозирча фақат битта шифокор бажара олади.

Хўш, бундай операцияни уддалайдиган моҳир шифокор ким? Қолаверса, юрак ишемик касаллиги қандай хасталик ва унинг жарроҳлик амалиёти қандай кечади?

Танишдик. Бу шифокор тиббиёт фанлари доктори Аброл Мансуров. У бир неча йиллик илмий изланишлари, қолаверса Россия, Туркия ва Бельгия сингари мамлакатларда малака ошириб, у ерлик шифокорларнинг тажрибаларини ўрганиши самараси ўлароқ, бугун юртимизда юрак-қон томир касалликлари бўйича жуда мураккаб жарроҳликларни бажармоқда.

— Юрак ишемик касаллиги жарроҳлигида аввало беморнинг бирор аъзоси, масалан, оёғидан соғлом томир олинади (бундан тиббиёт соҳасидан йироқ бўлган одамлар чўчиши мумкин, лекин бу инсон саломатлиги учун хавфли эмас). Жарроҳлик жараёнида эса қон йўли бекилган томир ўрнига ўша соғлом томир юракка улаб қўйилади ва шу орқали қон юракка етиб боради, — дейди шифокор А. Мансуров.— Агар бемор вақтида даволанмаса, миокард инфарктига учраши мумкин. Агар ўз вақтида операция қилинмаса, қон йўли бутунлай тўсилиб бевақт ўлимга олиб келиши турган гап.

* * *

Рўзибой акани эртага операция қилишар экан. У киши билан яна суҳбатлашдим. Беморнинг соғайишга бўлган ишончи — касалликни енгишнинг биринчи шарти дейишади. Беморнинг айни дамдаги руҳий ҳолатини билгим келди.

— Кўринишингиз жуда яхши. Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлиб кетади, — дейман у кишига далда бермоқ ниятида.

— Тўғрисини айтсам, жуда ҳаяжонланаяпман, — дейди Рўзибой ака. — Аммо мен учун бошқа йўл йўқ. Шифокорлар операцияга розилик сўрашганда ҳеч иккиланмай кўндим. Чунки беш ўғлим, тўққиз нафар ширин-ширин набираларим, рафиқамнинг шодлик тўла кўзларини кўриш учун ҳам мен яна оёққа туришим, ҳали яшашим керак. Айниқса, кенжа ўғлим кўз олдимдан кетмаяпти. Худо хоҳласа, келаси йил уни уйлантирмоқчимиз. Шундай гўзал кунларни кўриш яна насиб қилармикин-а? Аммо ич-ичимда шундай ишонч борки, у қалбимдаги турли шубҳаларни ҳайдаб юбораяпти. Бу — мени операция қиладиган шифокорларнинг маҳоратига бўлган ишонч. Аввало, Яратганнинг хоҳиши, сўнг бу ердаги моҳир дўхтирларнинг ёрдами билан, албатта, соғайиб кетаман.

* * *

Операция куни. Анча вақтгача жарроҳлик бўлимига киролмадим. Юрагимни аллақандай қўрқув босди. Ўзимни қўлга олиб, жарроҳлик хонасига кириб келганимда эса операция бошланганига бир ярим соат вақт бўлган эди. Жарроҳлик амалиётини шифокор Аброл Мансуров ва икки ёрдамчи шифокорлар олиб боришаяпти. Операция столида ётган беморнинг кўкрак қафасидан чок кесилган ва шу қисми махсус тиббий асбоб ёрдамида очиб қўйилган.

Эсингизда бўлса, кўпчилигимиз болаликда шар билан ўйнаганмиз. Мен кўриб турган хаста юрак ҳам худди шар ҳавога тўлдирилиб, қайта секин очилгани сингари аста-аста ишлаб турарди. Шифокор аорта ва ўнг юрак бўлмачасига юрак ўрнини босувчи махсус асбоб (сунъий қон айлантириш аппарати)нинг эластик сунъий томирини улаб қўйди. Сўнг катта томир, яъни аортани махсус қисқич ёрдамида қисиб қўйиб, қон йўлини тўсди. Ва... шу он инсон юраги тўхтаб қолди. Ҳа, бемор юрагининг табиий уриши тўхтади.

Секин беморнинг юзига қарайман: бурнига сунъий нафас бериш асбоби уланган, бўйин томирларига осма уколлар қадалган. Кучли қарахтлантирувчи дорилар таъсиридами, у қаттиқ «уйқуда». Тўғрироғи, наркоз таъсирида эди.

Моҳир жарроҳ Аброл аканинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатишга интиламан: бошдан-оёқ оппоқ кийимда (аслида бу хонадагиларнинг ҳаммаси ҳам шундай кийинишган), кўзига махсус лупа тақилган, қўллари эҳтиёткорона, аммо ишонч билан ҳаракат қилаяпти. Табиатан босиқ бу инсон операция жараёнида кези келганда чаққон, кези келганда қўлидаги тиббий асбобини бир зум ҳавода муаллақ тутиб, ўйлаб, секин ҳаракат қиларди. Ўйлайманки, четдан мен каби кузатган ҳар қандай одам ҳам бу шифокорнинг иқтидорли, ўз ишининг устаси эканини сезиши қийин эмас эди.

... Аброл ака беморнинг тўхтатилган юрак томирлари устки қисмини ниҳоятда эҳтиёткорлик билан тозалади. Сўнгра бемор оёғидан олинган соғлом томирларни юракка улай бошлади. Томирларни юрак бўлмачаларига тикиб бўлгач, аортани қисиб турган қисқични олди. Шунда гўё мўъжиза юз берди: юракка қон келиб, у секин-секин ура бошлади!

Шундан сўнг жарроҳ юракка уланган ўша иккита соғлом томирни аортага (яроқсиз томирлардан юқорироққа) махсус ип ва игналар билан улади. Шунда англадимки, шифокор беморнинг иккита қон йўли торайган томирлари ўрнига соғлом томирни аортага улаётган экан (дарвоқе, аорта юракни қон билан таъминловчи асосий томир бўлиб, буни аниқроқ тасаввур қилиш учун уни дарахт танасига ўхшатиш мумкин). Бир нечта чок ўтказилиб аортага уланган томирлар ёрдамида юрак иш фаолияти яхшиланганги билиниб турибди. Буни электрокардиография (юрак уришини кўрсатиб турувчи асбоб)га қараган одам дарров фаҳмлаб олиши мумкин. Операция роппа-роса тўрт соат давом этди. Бу жараённи ҳеч муболағасиз ҳаёт-мамот курашига менгзаш мумкин эди.

Операциядан кўнгли тўлган Аброл ака очилган кўкрак соҳасини тикишлари учун ўз ўрнини ёрдамчи шифокорларга бўшатиб, жарроҳлик хонасидан чиқди. Чок тикилганидан сўнг бемор реанимация бўлимига ўтказилди. Гарчи бу қалтис, ҳаяжонли жараёнларни оддий бир журналист сифатида кузатган бўлсам-да, гўё операцияни ўзим амалга оширгандек, вужудимда ҳорғинлик, маҳзунлик ҳис этдим. Ким билсин, эҳтимол, бу ҳолатлар менга шунчалик таъсир қилганига сабаб шифокорларнинг ғоят оғир, масъулиятли вазифаси билан рўбарў келганимдандир.

"Насиб этса, у ҳали узоқ яшайди". Жарроҳлик хонасидан чиқар эканман, негадир Аброл аканинг кўнглидан шундай ўйлар ўтган бўлса керак, деб ўйладим...

* * *

Операциядан кейин бир ҳафта вақт ўтди. Рўзибой ака икки кун реанимация бўлимида ётди. Учинчи кун эрталаб палатага ўтказишди. Бемордан ўзини қандай ҳис қилаётгани ҳақида сўрадим. У эса тўлқинланиб гапира кетди:

— Э, юрак бир эркалик қилди-да.

СУРАТДА: марказнинг юрак-қон томирлари жарроҳлиги бўлими шифокорлари. Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

Ҳозир яхшиман. Мухбир қиз интервью олишга келибди, деган гапни эшитиб қувониб кетдим. Тўғриси, менинг одамларга айтадиган гапларим кўп. Биласизми, қизим, одамларни пойтахтимизда шундай шифохона борлигидан яхшироқ хабардор қилиш, уларга бу ердаги шифокорларнинг маҳорати ҳақида кенгроқ маълумот бериш керак. Кўпчилик бу касалхона хусусида тўлиқ ахборотга эга эмас. Ўзим ҳам аввал билмасдим. Менга ўхшаган қанча одамлар бор. Бу касаллик организмда яширин пайдо бўларкан. Мана, мен юрагимда шундай касаллик борлигини ҳатто тасаввур қилмагандим. Чеккачекка қишлоқларда қанча-қанча одамлар шу хасталикка чалинганини билмаслиги мумкин. Яна бизнинг халқимиз ёғли таомларга, гўшт тановул қилишга мойил. Ёнбошлаб олиб, қовурдоқни кўк чой билан тановул қилиб, дам оламиз. Аслида бу кони зарар экан. Энг аввало, киши ўз соғлигини ўзи асраши керак-да энди.

Ўтган йили опамнинг жони қўлимда узилганди. Шундан кейин ҳозиргача ўзимни ўнглаб олганим йўқ. Аммо тақдирга тан бериш керак экан. Бандаси қўлидан келмайдиган ишлар учун ўзини қийнаши, руҳий тушкунликка тушишининг оқибати яхши бўлмаскан.

"Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб", деб бежизга айтишмаган-да. Рўзибой аканинг худди дўхтирлардек гапираётганига қараб кулгим келди. Шу пайт унга ҳазил гап айтмоқчи эдим, аммо бир зумда суҳбатдошимнинг кўзларида ёш айланди. Биздан кўз ёшини яширмоқчи бўлдими, аввал қўлини пешонасига тираб, кейин секин кўз ёшларини сидириб олди...

Уни яна гапга тутдим:

— Рўзибой ака, ҳозир саломатлигингиз қандай? Оғриқлар қолдими?

— Ҳа, қизим, худога шукр, тузукман. Қўли енгил шифокор Аброл Мансуров ва шифохонадаги барча дўхтирлардан миннатдорман. Яратган эгам менга қанча умр берган бўлса, уларни шунча йил дуо қиламан...

У бир оз жим турди-да, қувончини ичига сиғдиролмаганидан бўлса керак, яна салмоқлаб гапира кетди:

— Операциядан кейин кечқурун кўзимни очдим. Сўраганимда, соат тўққиз дейишди. Наҳотки, бу оламни қайта кўраяпман-а?.. Ич-ичимдан тўлқинланиб кетдим. Айниқса, шифокор йигитларнинг тиним билмай беморлар бошида парвона бўлиб туришларини кўриб, инсонлар соғлиги ҳақида қайғураётган шундай меҳри дарё одамлар борлигини ҳис қилиб, кўзимдан тўхтовсиз ёш оқди. Шунда бир шифокор ёнимга келиб хавотирли оҳангда нима бўлганини сўради. Йўқ, мен оғриқдан ёки биров ранжитганидан эмас, ҳаётга қайтганимдан қувониб йиғлаётгандим. Бунинг сабабини унга тузукроқ тушунтириб ҳам беролмадим. Кўзларимга ўз-ўзидан ёш қуйилиб келаверди. Ҳолатимни тушунган дўхтир укам роса хурсанд бўлиб кетди.

Ҳа, яхши одамларга фақатгина шодлик ёшлари ярашади. Яқинда эллик баҳорни қаршилайдиган самимий инсон Рўзибой акага мустаҳкам соғлиқ ва узоқ умр тилаб, у киши билан хайрлашдик.

Хасталарга ҳаёт қувончини қайта бахш этаётган шифокорларни эса чинакамига жасорат соҳиблари дейиш мумкин.

Яна, шуни айтиш жоизки, ҳар қандай моҳир шифокорлар ҳам — аслида инсон. Очиғи, уларнинг саъй-ҳаракатлари, яъни амалга оширадиган операциялари баъзан ижобий натижа бермаган пайтлар ҳам бўлади... Аммо беморнинг соғайиб кетишига зиғирча умид бор экан, барибир кураш давом этади.

...Шифохонадан қайтар эканман, негадир инсон юраги ҳақидаги ўй хаёлимдан ҳеч кетмасди. Гоҳида бир оғиз нордон сўз эшитсак дилимиз қанча вайрон бўлади. Ёки кимдир бирор ноўрин гап билан кўнглимизни чўктириб қўяди. Баъзида эса ўзимиз ҳам бу ўткинчи дунёнинг ҳою ҳавасларига учиб, яқинларимизнинг юрагини жароҳатлаймиз. Аммо шу майда ташвишлар бизга ҳаёт неъматларидан баҳраманд бўлиш бахтини тортиқ қилиб турган ЮРАКни "хафа қилиш"га арзирмикан?!.

Ўз соҳиби вақтида "меҳр" кўрсатмаган дилнинг дардини аритаётган кишилар меҳнатини эса қанчалик таъриф-у тавсифласак арзийди.

Ситора ТОЖИДДИНОВА,
"Hurriyat" мухбири.

Таҳририятга хатлар

СИНОВЛАРДА ТОБЛАНГАН ИНСОН

1943 йилнинг январи. Зомин туманига қарашли Ровот қишлоғилик Турғунбой Абдусатторов Иккинчи жаҳон уруши энг қизиган бир пайтда 18 ёшида фронтга чақирилди. Жангларда иштирок этди. Аммо 1944 йилнинг қаҳратонида душман ўқи Турғунбойнинг чап қўлини яралайди. Уч ойдан кўпроқ даволанганидан сўнг, у 1944 йилнинг баҳорида қишлоғига қайтиб келди. Бу ерда ғалла ўрди, мол боқди. Бир қўл билан бўлсада, далада ишлади. Шу йиллар орасида қишлоғида кўнгил қўйганига уйланди. Бувисаодат ая билан тўрт ўғил, беш қизни вояга етказишди. Ҳозир Турғунбой бобонинг 46 нафар невараси, 40 нафар чевараси бор. Саксон беш ёшни қаршилаётган, ҳаётнинг турфа синовларига бардош берган отахон бугун фарзандлари, невара-чеваралари ардоғида бахтли ҳаёт кечирмоқда.

Фазилат СУЮНОВА,
Жиззах вилояти.

ФЕЛЬЕТОНЛАР НЕГА КАМ?

Мамлакатимизда нашр этиладиган газеталарни мунтазам ўқиб бораман. Аммо негадир танқидий чиқишлар, фельетонлар жудаям камдек. Ёки ҳаётимизда муаммолар, камчиликлар, таниш-билишчилик, тўрачилик, мансабни суиистеъмол қилиш каби иллатлар бутунлай йўқми? Ахир, газетачилик фақат тадбирларни ёритиш дегани эмас-ку, эссе, очерк, фельетон каби бир қатор жанрлар бор. Назаримда улар секин-секин йўқолиб кетаётгандек. Бир пайтлар Абдулла Қодирий "Муштум" журналида босилган "Йиғинди гаплар" (1926) фельетонида ҳаётдаги камчиликларни, каландимоғ раҳбарларни беозор кулгу остига олгани учун қамоққа олинганди. Ҳозир сўз эркинлиги даври. Ҳар қандай ғараз ва таъмадан холи, холислик билан ёзилган асосли танқидий чиқишлар ва унинг муаллифлари қонун йўли билан ҳимоя қилинади. Нега фельетон ёзишдан кўпчилик қўрқаяпти? Ёки бу тажриба етишмаслигиданмикан? Яқинда "Hurriyat"да эълон қилинган бир суҳбатда Худойберди Тўхтабоев 14 йил фельетончи бўлиб ишлагани ва 300 дан ортиқ фельетонлар чиқарганини ёзганди. Хотирамда, адибнинг фельетонлари мамлакатда жуда катта акс-садо берарди. Ва албатта, "урилган" жойда ижобий ўзгаришлар содир бўларди. Кейинги пайтларда негадир нашрлардаги "Қалампир", "Наштар" деган рукнлар ҳам йўқолиб кетди. Танқидни ҳам тараққиёт пойдевори дейишади. Агар фельетончилар ўртасида танловлар эълон қилинса, ўйлайманки, бу жамият тараққиётида ҳам ўз ижобий натижасини кўрсатмай қолмас эди.

Худойберди НАЗАРОВ,
Қашқадарё вилояти.

ЧОЙ ТАРИХИ

Афсоналарга қараганда, қадимда хитойликлар қайнаб турган сувга чой барглари тушиб, ажойиб таъмли ичимлик ҳосил бўлганини пайқаб қолишган экан. Шу-шу инсонлар уни чанқоқбосди ва хуш таъм ичимлик сифатида истеъмол қилиб келмоқда. Тиббиёт соҳасида ҳам чойдан кўпгина дори-дармонлар тайёрланади. Хитойлик тарихчи олим Чжоу Гун ҳам бу ҳақида муҳим маълумотларни ёзиб қолдирган. Шундай қилиб, милоддан аввалги II-IV асрларда Хитой ҳудудларида чой парваришлаб, ўстира бошлаганлар. Кейинчалик Япония, Корея, Ҳиндистон, Туркия, Монголия каби давлатларда ҳам чой плантацияларга юзага келди. Эндиликда у дунёдаги энг севимли ичимликлар сирасига киради.

Гўзал МУРОДОВА,
Тошкент шаҳри.

ХОРАЗМИЙ КИБЕРНЕТИКАГА АСОС СОЛГАН

Халқаро "Питер" нашриёти 2007 йили олим Сергей Андреевич Немнюгиннинг "Turbo Pascal тилида компьютер дастурларини яратиш" деб номланган рисоласини чоп этган эди. Энг қизиғи, муаллиф ушбу китобига ёзган сўзбошисида ал-Хоразмийни араб математиги деб атайди. Маълумки, ўша даврларда асарларни араб тилида ёзиш русум эди. Ўйлашимча, жаҳон олимлари томонидан дунё олимлари учун қўлланма сифатида тавсия этилган ва ўз соҳасининг энг яхши қўлланмаларидан дея тан олинган мазкур асарда бундай хато маълумот берилишининг сабаби — асарнинг араб тилида ёзилганидир деб ўйлайман. Демак, аслида кибернетика ёки ахборот технологиялари тараққиёти пойдеворига дастлаб ғиштни бундан ўн бир аср олдин араб олими эмас, ўзбекнинг фарзанди қўйган.

Кўпчиликка маълум, Хоразмда туғилган юртдошимиз буюк математик Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий "Ал жабр вал муқобала", "Ҳинд ҳисоб-китоби ҳақида рисола" асарларида илк бор ноль сонини қўллаб, алгебра фанига асос солган. Ҳозир биз фойдаланаётган араб рақамларини муомалага киритган ҳам аслида шу буюк бобокалонимиздир.

Акром МАЛИК,
Пискент шаҳри.

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

ҲАМКАСБ

Халқ эътирофи ҳамиша муҳим

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, журналистика соҳасида «Олтин қалам» I Миллий мукофоти совриндори Абдумутал Абдуллаевни нафақат Андижон вилоятида, балки Фарғона водийсида ҳам кўпчилик танийди, десак муболаға бўлмайди. Унинг меҳр ила сайқаллаган очерк, лавҳа, мақола, ҳикоя ва қатор қиссалари аллақачон ўқувчилар юрагидан жой олиб улгурган.

Ҳасан Басрий ҳазратлари "Ҳар кишининг ким сўзи ҳикматдан ташқаридур, айни офатдур" деган экан. Биз тилга олаётган ижодкор эса ҳар сўзини ҳикмат булоғида ювиб, ирфон офтобида қуритиб, сўнг ширин лутф ила ўқувчига етказадиган қаламкашлар сирасига киради. Буни устознинг «Сийратга сайр», «Дунёнинг калити», «Ишққа даво йўқ» каби маънавий-маърифий қиссаларини, айниқса, «Кубайс тоғидаги нидо» ҳикоялар тўпламини мутолаа қилган ҳар бир китобхон юракдан ҳис қилади.

Абдумутал ака сермаҳсул ижодкор. У кейинги беш йилда еттита китоб чоп эттирди. Айни вақтда эса яна учтаси нашрга тайёрланмоқда. Уни одамлар ёзувчи сифатида ҳам таний бошладилар. Аммо ижодкорнинг ўзи ёзувчиликни асло даъво қилмайди:

— Мен журналистлик касби орқали обрў-эътибор топдим. Демак, шундай эътироф этилишни истайман. Чунки мен — журналистман!..

Мен — журналистман!.. Салкам қирқ йил шу касбнинг нонини еб, тузини ичган одамнинг бундай дейиши ўринли, албатта. Шулар ҳақида ўйлар эканман, бир куни устознинг «Менга ёрдам беринг» сарлавҳали мақоласи чоп этилгандан кейинги воқеалар ёдимга тушди. Орадан ҳафта ўтмасдан, телефонлар тинмай жиринглаган эди ўшанда.

— Абдуллаев борми?..

— Мақолада айтибдики...

Бир йилча вақт ўтганда ҳам ўша мақолага доир қўнғироқлар-у, ташрифлар тинмади. Мақола қаҳрамони бошидан анча қийинчилик ўтган, уйсиз, қавм-

қариндошлари ғамхўрлигидан четда қолган хокисор бир аёл эди. Мақола эълон қилингач, ўша аёлга ёрдам бериш ниятидаги кишилар кўпайиб кетди. Сўнгра унинг муаммолари ҳал бўлгани хусусида янги мақола газета юзини кўрди. Энди ёрдам сўраб, ўз дардини айтиб келувчилар ортгандан ортди. Абдумутал Абдуллаев эса кимгадир кўмак бериш, кимнингдир кўнглини олишдан чарчамайди.

Айтишларича, улуғ ёзувчи Лев Толстой Антон Павлович Чеховнинг «6-палата"сини ўқиб, «Шу асарни нега мен ёзмадим», дея ўз-ўзига иддаолар қилган экан. Абдумутал Абдуллаевнинг «Андижоннома», «Маърифат», «Холис» ва бошқа кўплаб газеталарда кунда, кун ора чоп этилаётган мақолалари, ҳаётий ҳикоялари, мушоҳадаларга бой публицистик чиқишларини ўқиб, ҳар бир журналистнинг кўнглидан шундай фикр ўтиши табиий.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида бундан бир неча йиллар аввал «Ҳаммамизга тегишли танбеҳ» деб номланган мақола чоп этилган, унда журналист Абдумутал Абдуллаевнинг «Сийратга сайр» тўплами ҳақида фикр юритилиб, шундай дейилганди: «Тўғриси, ушбу рисоладан ўрин олган аксарият эссе ва бадиаларни ўз вақтида газеталар саҳифаларида ўқиганмиз. Аммо муаллиф бошқа ҳамкасбларимиздан фарқли ўлароқ, улар устида ишлашни давом эттириб, ҳар бирига янада сайқал бериб, ўқишли ва ибратли китоб ҳолига келтирибди...

«Сийратга сайр»ни ўқиб, қани энди, бугунги бир қатор пешқадам сўзли ва фикрли журналистларимизнинг ҳам шундай китоблари чиқса, деган истак пайдо бўлди»...

Журналист меҳнатига бундан ортиқ таърифнинг ҳожати йўқ. Халқ эътирофи эса бизнингча ҳар қандай мукофотдан устунроқдир.

Нажмиддин ИКРОМИЙ

Касб эъзози

Ёши бир жойга борган одамнинг хаёлини баъзан бўлса-да, "Мен қандай яшадим?" деган ўй истайдими-йўқми, банд этиши шубҳасиз. Бугун табаррук саксон ёш довонида турган ва умрининг ярим асрдан кўпроғини ноширлик-матбаа ишига бағишлаган инсон Азиз Бобохонов ҳам бундан мустасно эмас.

Азиз аканинг хаёлини ҳам гоҳида шундай фикрлар эгаллайди. У киши умрини бу дунёнинг энг эзгу, савобли-хайрли амалларидан бири — маърифатга, китоб ноширлигига бахш этди. Ҳаётида эсласа эслагулик ишлари ҳам оз эмас. Давлатимиз томонидан хизматлари муносиб тақдирланди. "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" унвонига сазовор бўлди. Энг муҳими, Азизхон ака ҳалол яшади, оиласига, болаларига меҳнатдан келган ризқу насибани тутди. Фарзандлари ҳам отага қараб улғайди, улар бугун эл-юрт учун меҳнати, ҳунари билан хизматда.

— Навоий ҳазратлари бир байтларида: "Агар ўзингни одам, инсон деб билсанг, эл манфаати, юрт равнақидан ўзга нарсани ўйлама" деган маънони чиройли ифода этганлар. Шу байт болалигимда ҳаёт йўлимни белгилаб берган, — дейди Азизхон Бобохонов биз билан суҳбатда. — Улуғ адиблар, олимларнинг сўзларини халққа етказмоқчи бўлиб, ўсмирлигимда ҳарф терувчиликка ўқидим. Ўн йиллар давомида ҳарф терувчи, саҳифаловчи, қўрғошин ёзувда ҳарф-имлони тузатувчи уста бўлиб меҳнат қилдим. У пайтлар босмахона иши анча ибтидоий ҳолатда эди. Қора мойга ботиб, кеча-кундуз оёқда тик турган кунларимиз кўп бўлган. Аммо биз тайёрлаган китобларнинг эл маънавиятига, ривожу равнақига кераклигини ўйласак, муҳим иш билан банд эканимизни дилимиздан ҳис этардик, чарчоғларимиз ҳам тарқалиб кетарди.

Азиз Бобохонов кейинчалик нашриётларда бўлим мудири, юқорироқ лавозимларда ишлади. Умри бўйи ёзувчилар, шоирлар, олимларга ихлос қўйди. Китобларнинг шаклу шамойили, кўркам, чиройли қилиб одамлар қўлига тегишида Азизхон ноширнинг ҳиссаси катта.

Азизхон отанинг хонадонида ҳар қандай зиёли ҳавас қилса арзийдиган катта кутубхона бор. Бу ер унинг оила аъзолари — болалари, невараларининг севимли масканларидан бири. Бўш вақт бўлди дегунча, кутубхонада илм-фан, адабиёт, санъат асарларининг мутолаасига киришадилар. Маҳалладошлар ҳам Азизхон аканинг китоб бойлигидан баҳраманд бўлиб туришади.

Азизхон Бобохонов тажрибали ношир, китоб шайдоси. Табиийки, унинг тажрибаси, билими ҳозирги ноширлар учун ҳам ўзига хос бир мактаб. Шу боис бўлса керак, кекса ноширнинг "Асрга тенг матбуот", "Уч асрга юзланиб ёки миллий ноширлигимизга бир назар", "Тарихни сохталаштириб бўлмайди ёхуд истиқлол туфайли қарор топган ҳақиқат", "Ўзбек миллий матбуоти. Тарих ва ҳақиқат" каби ва бошқа китоблари ҳамда рисолалари соҳа мутахассисларининг китоб жавонидан ўрин олган. Бу асарлар тарихчи олимларни ҳам қизиқтириб келаяпти.

Отахон ношир ҳамон тетик, ўз маҳалласи фаолларидан бири. Ўқув муассасаларида ёшлар билан учрашувларда бўлади. Адиблар, шоирлар ҳам Азизхон отани йўқлаб, суҳбатлашиб туришади.

Михли САФАРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

ҲАМКОРЛИК

Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони доирасида жойларда турли семинар ва конференциялар бўлиб ўтмоқда.

Устувор вазифалар

Яқинда худди шундай тадбирларнинг бири Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси ва "Истиқболли авлод" ёшлар ахборот маърифат маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Конференцияни йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Эрматов очиб, тадбирдан кўзланаётган мақсад ва мавзунинг моҳияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Шундан кейин Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази раҳбари Акмал Саидов, "Истиқболли авлод" ёшлар ахборот маърифат маркази раҳбари Умида Каримова кун тартибидаги масала юзасидан маълумот беришди. Маълум бўлишича, ўтган йил давомида одам савдоси билан шуғулланувчиларнинг қармоғига илинган кўплаб кишиларга ёрдам кўрсатилди. Жумладан, ноқонуний равишда ватанимиздан олиб чиқиб кетилган 48 нафар ўзбекистонлик қиз Дубай шаҳридан юртимизга қайтарилди.

Шунингдек, тадбирда Тошкент шаҳар ИИББ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бошлиғи Азиз Эрназаров, Фуқаролик жамияти институти Тошкент шаҳар ахборот-таҳлил маркази раҳбари Баҳодир Мамадиевлар ҳам сўзга чиқишди. Конференция ниҳоясида эса ОАВ ходимлари йўл ҳаракати қоидалари ҳақида аҳолига тушунтириш ишларини олиб бориш, йўловчи ва ҳайдовчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, йўл ҳаракати патрул хизмати ходимларининг вазифалари тўғрисида саволлар беришди. Саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоб берилди.

Ислом СУЛТОНОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ҚИНҒИР ИШ

Яқинда Жиззах шаҳар прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор текширувлар ўтказилди. Жумладан, «Наврўз айёми» КТХИЧФга қарашли ғишт ишлаб чиқариш заводида мониторинг ўтказилганда заводнинг мансабдор шахслари электр ҳисоблаш ускунасини ҳисоблаш схемасига уламасдан фойдаланаётганлари аниқланди. Шунингдек, улар «Akfa» ромлари ишлаб чиқариш цехидаги ускуналарни электр тармоқларига ҳисоблагичсиз улаб, шаҳар электр тармоқлари корхонасига 9 млн.396 минг 754 сўмлик зарар етказганлари ҳам аниқланди.

Шунингдек, Жиззах шаҳрининг «Желлиғулли» маҳалласида яшовчи Худойберди Ҳайдаров ҳам хусусий тегирмонида электр энергиясидан фойдаланиш учун шартнома тузмасдан, ундан фойдаланиб келган. 3 миллион 966 минг 105 сўмлик электр энергияси ўғирланиб ишлатилган. Бундан ташқари «Қипчоқ» маҳалласида яшовчи фуқаролар Ойбек Шарипов, Муҳаммад Шукуров ҳамда Ҳабибулла Норбўтаевлар ҳам бу борада қонунга хилоф тарзда фаолият олиб борганлари маълум бўлди.

Умуман олганда, Жиззах шаҳар прокуратураси томонидан ўтказилаётган тадбирларда шаҳар электр тармоқлари корхонаси раҳбари номига 2 та тақдимнома киритилган, шунга биноан 3 та интизомий, 18 та маъмурий жавобгарликка тортишга доир иш қўзғатилди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 5 та жиноят иши қўзғатилди.

Т. САГАТОВ,
Жиззах шаҳар прокурори
"Адолат ёлқини" (Жиззах),
17.04.2009 йил.

ХУДУДИЙ НАШРЛАРДА

ИСМНИНГ МАЪНОСИ — 200 СЎМ

Яқинда бир ғаройиб воқеанинг гувоҳи бўлдим. Ўқув қуроллари сотишга мўлжалланган дўконда хизмат кўрсатишнинг ўзгача бир турини қўллаётган "тадбиркор"га дуч келдим. Дўкон пештахтасида турган Э.А.Бегматовнинг "Ўзбек исмлари. 14600 исм изоҳи" китобининг муқовасида "Исмнинг маъноси 200 сўм" сўзлари ёзилган ёрлиқ ёпиштирилиб қўйилган эди. Бу мени қизиқтириб қўйди. Айтайлик, бир кунда ўн киши исмининг маъносини билиш учун китоб варақласа, ўз-ўзидан ҳалиги "тадбиркор" 2000 сўм қўшимча даромадга эга бўлади. Китобнинг ҳақиқий нархи эса беш минг сўм экан. Албатта, уни сотиб олишга ҳамманинг ҳам қурби етмаслиги мумкин.

— Бир кунда неча киши исмининг маъносини билиш учун китобдан фойдаланади?

Бу саволимдан кейин сотувчи ўзини оқлашга тушди.

— Агар шундай қилмасак, кўпчилик китобни кўрайлик деб олишади ва исмининг маъносини билиб олгандан кейин сотиб олмасдан индамай кетишади.

Бир томондан сотувчининг гапида ҳам жон бор. Аммо унинг ишини ҳам оқлаб бўлармикан?

Сардор ЭРГАШЕВ
"Истеъмолчи ҳуқуқи", (Қашқадарё).
31.03.2009 йил.

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва ахборот кўмагида тайёрланди.
Лойиҳа: «Матбуот — давр кўзгуси».

ТАДБИР

Фахрийлар эътиборда

9 май – Хотира ва Қадрлаш куни арафасида мамлакатимизда эл-юрт озодлиги, осойишта ҳаётимиз учун жон фидо этган халқимизнинг мард фарзандларини ёдлаш, кексалик гаштини сураётган пиру бадавлат нуронийларни шарафламоқ анъанага айланган.

Кеча – 5 май куни Ўзбекистон миллий матбуот марказида мана шу қутлуғ сана муносабати билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, меҳнат фахрийларини шарафлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда уруш ногиронлари, ҳаётини миллий матбуотимиз ривожига бахшида этган фахрий журналистлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбирни Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов очар экан, миллий матбуотимизнинг ривожида фахрий журналистларнинг қўшган ҳиссаси, уларнинг салоҳияти, ёшлар ўртасида миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий самарадорлигини оширишда кекса авлод вакилларининг катта ҳаётий тажрибалари ҳақида тўлқинланиб гапирди. Фахрий журналистлар Мақсуд Қориев, Фарида Усмонова, Назармат Эгамназаров ва бошқа устоз матбуот фахрийлари сўзга чиқиб, ёш журналистлар билан бугунги кун оммавий ахборот воситалари фаолияти, уларнинг малакасини ошириш, миллий журналистикани жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш масалалари хусусида фикр алмашдилар.

Учрашув сўнггида Иккинчи жаҳон уруш қатнашчилари, ногиронлар ва меҳнат фахрийлари учун байрам дастурхони ёзилиб, уларга совғалар топширилди.

Адиба УМИРОВА

МУЛОҲАЗА

Ҳаммуаллифлик ҳисобот учунми ёки...

Яқинда таҳририятга институтнинг иккинчи курс талабаси мақола олиб келди. Қарасам, қаламга олинган мавзу ёмон эмас. Фикрлари ҳам арзигулик. Нима учундир имзонинг биринчиси таниқли профессорга тегишли экан.

– Домла ёзганмилар?

– Йўқ, ўзим ёздим.

– Унда нега имзоси бор?

– У киши кўриб бердилар. Домлам билан чиқсам, деб ният қилгандим...

Ёш йигитга ҳаммуаллифлик ҳамфикрлилик дегани эканини тушунтирдик.

– Профессор, катта бир домла савияси даражасида ҳозирча мулоҳаза юрита олмасангиз керак. Талаба ва профессор. Ноқулай бўлмасмикин?

– Энди... домламиз бизга дарс ўтадилар. Фамилиясини олиб қўйсак, хафа бўладилар.

Таҳририят кенгаши билан маслаҳатлашиб, мақолани барибир талабанинг имзоси билан чоп этдик. Аммо, домла қўнғироқ қилиб, эътироз билдиришдан тортинмади:

– Ғояни у йигитга мен бергандим... Бирга маслаҳат қилганмиз. Махсус стипендияга тавсия этганмиз. Ҳисоботга керак экан.

– Домла, ҳаммуаллифлик фикрлаш, савия, нуқтаи назар тенг бўлсагина юзага келади. Ахир, талаба сизнинг даражангизда мулоҳаза юрита олмайди-ку. Қолаверса, кичикроқ, бор-йўғи бир варақ мақола бўлса...

У киши барибир тушунмади. Аниқроғи, тушунишни истамади. Хафа бўлди.

Ҳаммуаллифлик. Бу ибора назаримда аслида фан соҳасида юзага келган бўлса керак. Масалан, бир неча муаллиф дарслик ёки қўлланмалар ёзади. Ўшанда ҳам қайси мақола ёхуд боб кимники экани кўрсатиб ўтилади.

Аммо ўтган асрнинг 80-йилларида бу борада "ўзгаришлар" пайдо бўлди. Дипломат ва аспирантлар ўз мақоласига раҳбари имзосини қўйишни одат қилишди. Айтайлик, олим азбаройи илмий раҳбарлиги туфайли шогирдининг ишини кўриб беради. Тавсиялар, маслаҳатлар бериши ҳам мумкин. Бу унинг вазифаси. Лекин гоҳида бировнинг илмий хулосасига тўлақонли шерик бўлишдан уялмайди. Баъзида уларнинг сафига аппонентлар ҳам қўшилишади...

Бир воқеани айтиб беришганди. Ёш олим номзодлик иши талабига кўра мақола ёзади. Сўнг раҳбари ва аппонентлари фамилиясини ҳам қўшади. Журнал таҳририятидагилар муаллифларни қисқартиришга қарор қиладилар. Оқибатда охирги фамилия, яъни мақолани ёзган муаллиф тушиб қолади. Негаки, бошқаларида унвон бор. Энг ёмони шундаки, бунга ҳеч ким эътироз билдирмайди. Бояқиш ёш олим эса бошқа мақола ёзишга мажбур бўлади.

Иккинчи воқеа. Ҳамкасбларимдан бири бир жиноят тафсилоти ҳақида судья ва ўзининг имзоси билан мақола олиб келди. Воқеалар анча бадиий тарзда ёзилганди.

– Ростини айтинг, мақолани ҳаммуаллифингиз билан биргаликда ёздингизми? — деб сўрадим.

– Очиғи, ўзим ёздим. У кишидан ҳукм матнини олгандим, холос.

– Унда ...

– Биласизми, илтимос қилганди. Ҳисоботи учун имзоси билан мақола чиқиши керак экан.

Яна таҳририят кенгаши маслаҳатига таяндик. Ҳуқуқий мавзудаги мақолаларга мутахассис имзоси етарли, деган хулосага келинди.

– Илгари шундай бир мақола учун тушунтириш хати ҳам ёзганмиз, – дейди журналист Т.Шомуродов. – Мухбир воқеани сал бўрттириб юборган. "Қаҳрамон" иш материалида бунақа ҳолат йўқ, деб даъво қилди. Судья "мен буни ёзган эмасман" деди. Муаллиф журналист эса бошқа нашрга ўтиб кетган. Судга қатнаб оворамиз чиққан.

Барча касбларда бўлгани каби журналистиканинг ҳам ёзилмаган қонунлари бор. Масалан, мақолани ёзган киши муаллифликда охирида қўйилган имзо эгаси эканини яхши биламиз. Кейинги пайтда турли юбилейлар, хотира кечалари муносабати билан матбуотда мақолалар бериш одатга айланди. Гоҳида юбиляр тўғрисидаги мақолага 5-6 кишининг имзосини қўйиб келишади. Бундай пайтда мақола ҳар бир муаллифнинг фикри, хулосаси асосида ёзилса-ку айни муддао бўларди. Минг афсуски, кўпинча оддий таржимаи ҳолдан нарига ўтилмайди. "Мақола" таҳририят ходими томонидан бир амаллаб тайёрланади. Лекин "муаллиф"лар ўз имзолари остига жамики унвон-у, мукофотларини қайд этишни талаб қилишади. Бу нарса ҳаммуаллифликнинг ҳеч қайси қонун-қоидасига тўғри келмайди, албатта.

Баъзида айрим газетхонлар ўз мақоласига таҳририят ходимининг имзосини ҳам қўйиб келишади. Айрим ҳамкасбларимиз касб этикасини унутиб, бунга рози ҳам бўлишади. Улар ана шу ҳаракатлари билан ғайритабиий ҳаммуаллифликка йўл очишади. Умуман, мен таҳририят ходимининг чет муаллиф билан мақола чиқаришига қўшилмасдим. Ахир, меҳнатимиз сингган, яъни қайта ишланган ҳар бир материалга ўз имзомизни қўяверсак, унда маошни нима учун оламиз?

Яна бир гап. Мабодо бирорта нашрда ҳаммуаллифликда ёзилган мақолаларни кўрсам, кўз олдимга узоқ йиллар давомида дуч келган турли хил воқеалар келаверади. Мақоланинг охирида турган муаллифга ачиниб кетаман.

Фармон ТОШЕВ,
"Зарафшон" газетаси бош муҳаррири.

АНЖУМАН

Жорий йилнинг 30 апрелидан 2 майигача пойтахтимизда ЎзЭОАВМА томонидан Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган медиа-кунлар бўлиб ўтди. Тадбирда 150 га яқин нодавлат телерадиостудияларининг раҳбарлари, бош муҳаррирлар, ахборот хизмати ходимлари ҳамда ёш журналистлар иштирок этишди.

"Озод юрт тўлқинлари"

Медиа-кунлар дастури журналистика йўналиши бўйича IV халқаро "Олтин қалам" миллий мукофотини тантанали топшириш маросими, ЎзЭОАВМАнинг анъанавий "Озод юрт тўлқинлари" медиа-фестивали, шу билан бир қаторда давра суҳбатлари ва 8 та семинар-тренингларни ўз ичига олди.

Пойтахтимизнинг «Интерконтинентал» меҳмонхонасида ўтказилган "Озод юрт тўлқинлари" медиа-фестивалида учта йўналиш бўйича энг яхши номзодлик материаллари он-лайн режимида очиқ овоз бериш йўли билан нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан аниқланди. Ғолиблар ЎзЭОВМАнинг дипломлари ва телеминора шаклидаги статуэткалар билан тақдирландилар. Демократлаштириш ва модернизация қилиш жараёнлари ҳақидаги қатор материаллар учун "Ҳудуд" ахборот-таҳлилий дастури энг кўп овоз тўплади. Ижтимоий телерадиороликлар йўналиши бўйича энг кўп овозни Бухоро шаҳридаги "Истиқлол" телевидениеси олган бўлса, ўзбек халқининг бой маданий мероси, миллий қадриятлари, жамиятнинг маънавий ривожланишини ифода этувчи қатор кўрсатувлари учун Сурхондарё вилоятининг "Ишонч" телевидениеси ғолибликни қўлга киритди.

— Албатта, бизнинг бундай ютуқларга эришишимизда ҳукуматимиз ва ассоциациямизнинг ҳиссаси катта деб ўйлаймиз, — дейди ғолиблардан бири Бухоро вилоятининг «Истиқлол ТВ» директори Бахшулло Бозоров. — Жамоамиз келгусида бундан-да кўпроқ изланиб, сизларнинг ишончларингизни оқлайди.

Шунингдек, 7 та нодавлат телерадиостудиялар, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси "Тўрткўл-ТТВ" ижодий жамоа учун зарурий шарт-шароит ва замонавий телекомплекс яратгани учун, "Самарқанд-СТВ" эса жамиятда аёллар роли ва фаоллигини ошириш мавзусини кенг ёритгани учун тақдирланди.

Иноможон АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ХАВОТИР

ОДАМНИ НИМА АСРАЙДИ?

Бугун Инсон шошаяпти. Лекин ҳеч нарсага улгуролмаяпти. Сабаби — вақт зиқ. Вақт йўқ. Тараққиётнинг ҳалокатли уммонида жони ҳалак. Елади, югуради. Тонг отади — кун ботади. Лаҳзада умрнинг бир куни кетади. Цивилизация гўёки инсоннинг оғирини енгил, узоғини яқин қилаётгандай. Ҳа, цивилизация узоқни яқинимизга олиб келди — дунёнинг нариги бурчи ҳам биз одамларга бир қадам бўлиб қолди... Нега унда биз ҳеч нарса, кўп нарса қилишга улгуролмаяпмиз?. Вақт қисқармоқдами? Кун қисқармоқдами? Тараққиёт наҳотки вақтимиз қисқариши эвазига тантана қилмоқда? Тараққиёт вақтимизни емириб бораяптими? Дунё кашфиётлари вақтни тобора қисқартириш эвазига содир бўлаяптимикин? Наҳотки нимадир йўқолиши эвазига нимадир пайдо бўлса?

Биз нимани йўқотаяпмиз?.. Оддийгина одамгарчиликни йўқотаяпмиз! Кўнгил хотиржамлигини, қалб оромини, дийдор завқини йўқотаяпмиз. Меҳр ришталари мустаҳкам кунлар минг чақирим йўлга отланганмиз. Яқинларимиз рухсорини кўриш, кексаларимиз дуосини олишга ошиққанмиз, ҳамма-ҳаммасига тўй-таъзияга улгурганмиз. Бугун-чи, бугун? Қишлоқдами-шаҳардами, чўлдами-саҳродами қаерда бўлмайлик, цивилизация олисни оёғимиз остига олиб келиб ташлади — мана, қўл телефон бор, онамизга қўнғироқ қиламиз, синглимизга SMS жўнатамиз, опамизга интернет орқали хат йўллаймиз, ҳа шундай, олиснинг муаммоси қолмади. Бироқ, шундай бўлса-да, нега вақтимиз зиқ, нега вақтимиз етмаяпти, ўйлаяпсизми, нега ботинимизда аллақандай ришталар узилиб бораётганга ўхшайди?.. Ахир биз яқинларимизнинг ёниқ нигоҳига кўз тикиб юзма-юз сўзлашиш, уларнинг дийдорига тўйишдан кўра, емирилаётган вақтимиз касрига цивилизация матоҳларига тобора боғланиб қолмаяпмизми? Цивилизация вақтимизни қўшиб ўзимизни ҳам емириб бормаяптимикин?

Одамга хос бўлган азиз туйғулар ва ҳиссиётларга чанг солувчи ҳар қандай кашфиёт одамга сиртдан нечоғли хизмат қилмасин у барибир одамнинг душманига айланиб қолади. Бугун, эртага, индин, қачон бўлмасин одамни тамаддун (цивилизация) маҳсули — интернет ҳам, бошқа ўта замонавий қурилмалар ҳам, ҳатто манови қўл телефонлар ҳам қутқариб қололмайди — одамни одамга бўлган меҳр, инсонлар орасидаги самимий илиқ муносабатлар асраб қолади. Агар ер юзида кашф этилган, мақсад-иддаоси инсониятга зуғум ва таҳлика туғдириб, она сайёрамизнинг қоқ юрагига қаратилган қурол-яроғларни ҳам инобатга оладиган бўлсак, XXI аср тамаддуни аллақачон инсоният измига бўйсунмай қўйганлигини ҳис қиламиз. Заминни «порох бочка»си устига ўтқазишга уринган цивилизациянинг совуқ кашфиётларига муккасидан кетганлар эмас, Леонардо Да Винчининг битта сувратию, Навоийнинг «Хамса»сини қарши қўяётган, қалбида ёниқ туйғулар олови ўчмаган инсоният бу ҳаётни давом эттиришига ишонаман.

Инсоннинг қалби, руҳияти кенгликлари, туйғу ва ҳиссиётлари инсон билимининг маҳсули бўлган нимарса (матоҳ)ларга, цивилизация унсурларига ҳеч қачон кўчиб ўтмайди. Бироқ, бу кашфиётлар бизни ўз измига бўйсундириб, ўз комига оҳанрабо янглиғ тортиб оларкан, XXI асрни кашфиётлар асри деб эмас, инсониятнинг йўқотиш асри, инсоннинг инсонийликдан узоқлашиш асри деб тушунаман. Тўғри, бугун ҳамма нарса бор... Бироқ вақт йўқ... Вақтимизни цивилизация йўриғига мослашиш учун сарфлаяпмиз.

Балки Сиз цивилизацияни ҳозирги глобаллашув жараёни — дунёнинг яхлитлашуви мезони деб ўйларсиз. Фикрингизга қўшиламан. Бани-башар бахт-иқболи, тинчлик-осойишталик, эзгулик йўлидаги глобаллашув учун хайрихоҳмиз. Бироқ ҳинд халқининг севикли фарзанди Махатма Ганди айтгани каби ташқаридан соф ҳаво, қуёш нури киришин деб ўйимиз дераза-эшикларини очиб қўйсак, ичкарига ўрлаб ўйимиз томини учириб, бизни хонавайрон қилиб кетадиган бўрон янглиғ тўс-тўполонли глобаллашувнинг тарафдори эмасмиз, асло. Умуман олганда ахлоқ, маънавият ва маданият бир халқ ёки миллатга тегишли ўзлик тушунчасига соя ташлайдиган жиҳатни глобаллашув деб бўлмайди. Шунингдек, миллатимизга хос улуғ фазилат ва менталитет ўзга таснифдаги маданият, маънавият, ўзгача урф-одат ва ғайри қарашлар билан чатишиб кетмайди ҳам. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Глобаллашув ҳеч қачон бир жойдан бир жойга ғоя ташимаслиги керак. Ўзимиз киядиган тўнни бировга қараб, ўзгага ўлчаб бичганимиз маъқул эмас. Цивилизация бизнинг хонадонларимизга ёт мафкура уруғларини ташлаб кетаётганини ҳаммамиз ҳам англаб етаяпмизми?

Цивилизация фарзандимиз, неварамиз-чеварамиз онгига ўзгача қарашларни сингдираётганини фаҳмлаяпмизми? Йўқ. Чунки бу тўс-тўполонли асрда, глобаллашув бўрони остида бу ҳақда ўйлаш, мушоҳада қилиб кўришга бизнинг вақтимиз йўқ. Вақтимиз зиқ. Юқорида айтганимиз каби давр шиддати бизни вақт чархпалагида чирпирак қилмоқда. Шундай экан, бугун ўғлингиз ё набирангиз менинг дадам ёки бобом саркарда Жумонг каби зўр деса парво қилмайсиз. Ғуруримиз қўзғалмайди. Шиддат, «вақтсизлик шиддати» Сизни карахт қилиб бормоқда.

Нега энди Жумонг каби зўр бўларкан, нега энди соҳибқирон Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Бобур Мирзо ва ҳоказо қанча жасур боболаримиз каби зўр бўлмас экан. Нима бало, ўғлингиз ё набирангизнинг қон-қондошими Жумонг? Ғоя тарқатувчи цивилизация ўғлингиз ва набирангизни ўз домига тортиб, ТВ қаршисига михлаб қўйди. Бу Сизга алам қилмайдими? Ўғлингиз ва набирангизнинг вақтини нима ўғирлади, нима емирди? Ўғлингиз ё набирангиз Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Бобур Мирзо билан фахрланмаяпти, балки уларни билмас ҳам, бу Сизга, бу бизга фожиа бўлиб туюлмаяптими? Йўқ, бу ҳақда ўйлашга вақтингиз йўқ... Вақтингиз зиқ! Қизингиз Тангендан улгу олади. Танген маданияти, Танген маънавияти унинг руҳиятида илдиз отмоқда. Нега? ўйлаб кўрганмисиз? Йўқ, вақтингиз йўқ!. Вақтингиз зиқ! Ўғлингиз ё набирангиз «Қашқирлар макони»даги Пўлат Аландарга ҳавас қилади. Мурғак қалбига мардлик ва жасорат зўравонликда деган фикр сингаяпти. Сезаяпсизми ғоя ташиган цивилизация нима қилаяпти? Йўқ, ўйлаб кўришга вақтимиз йўқ. Вақтимиз зиқ. Наҳотки ўз келажагимизни миллатпарвар этиб тарбия қила олиш, улар шуурига миллат туйғусини сингдириш даражасига етмаган бўлсак. Тафаккурни чароғон этиш «эскирмоқдами»? Бу борада бонг ураверіб матбуот ҳолдан тойди. Цивилизация қалб хоҳиши, тафаккурга соя ташлай бошлади. Биз миллатни, одамийликни ушлаб турадиган илдизларимиз заҳм отишига бепарво бўлаяпмиз.

Китоб ўқиш эскирмоқдами? Шу йўлда сарфланмаган умр умрми?

Ҳа, бепарвомиз. Чунки парво қилишга арзимайди, деб қўл силтаймиз. Сабаби, ўйлаб кўришга вақтимиз йўқ. Дунёнинг қайси бир бурчагида бўлаётган анжуманга, фойдаси тегиб-тегмайдиган йиғинга боришга вақт топамиз. Бу дунёда борлигимизни билдириб қўйгимиз келади. Лекин маҳалламиздаги бетоб Қулмат акани кўришга вақт қайда? Аллақайси давлатдаги анжуманга бир кун олдин етиб борамиз, бандаликни бажо келтирган қишлоқдошимиз раҳматли Қумри холанинг фотиҳасига боришга вақт тополмаймиз. Вақт қайда? Йўл узоқ. Ўғил ёки набирадан яна ўша қўл телефон орқали ҳол сўраб қўйишдан ийманмаймиз. Шу даражагача бориб етаяпмиз...

Сезмаяпмиз, шовқин асри, ҳиссизлик бўҳрони кўнглимизни мавҳ этаяпти. Бу вақтсизлик, вақт етишмаслик шовқини! Франциянинг Страсбург шаҳрида бўлиб ўтган дунё шоирлари анжуманида фаранг шоираси нолиб қолди: «*Асримиз шиддатли. Вақтимиз эса зиқ. Биз ҳеч нарсага улгуролмаямиз...*» қозоқ шоири, «Адашган тараққиёт» достони муаллифи машҳур Мухтор Шоҳонов мийиғида кулиб оҳиста шундай жавоб қайтарди: «*Вақт югурмаяпти. Фақат инсониятнинг кўнгли осойиш ва хотиржам эмас, кўнгил хотиржамлиги етишмаяпти инсониятга...*» Хоним таажжубланди: «*Бу нима деганингиз?*» Мухтор оға муддаога кўчди: «*Дунё алаҳсияпти. Шунинг учун одамият кўнгли саросимага тушиб қолди. Масалан, қўлингиздаги қадаҳни ичиб тугатсангиз кайфиятингиз тетиклашади. Иккинчиси беҳузур қилади. Учинчиси эса алаҳситади. Дунё ҳам худди шундай. Керагидан ортиқча, инсоннинг юрак зарбига қарши, ҳиссиётларига қарши ортиқча кашфиётлар комида алаҳсиб ётибди. Шундай экан ўзини ўнглашга қийналаётган одамзот вақтни қандай қилиб ўз измига бўйсундира олсин, одамзотнинг қаердан ҳам бўш вақти бўлсин...*» Хоним анграйиб қолди. Шарқона, керак бўлса файласуфона жавоб уни эсанкиратиб қўйди.

«Инсонни енгиб бўлмайди» дейди улуғ адиб Эрнест Хемингуэй. Менинг назаримда инсонни енгса бўлади. Инсонни енгиш учун уни ўзидан узоқлаштириш кифоя. Ўзидан узоқлашган осонгина ўзгага бўйсунади. Бугунги тамаддун бизга дунёни яқин қилиб қўйди. Дунё яқинлашгани сайин эса биз ўзимиздан узоқлашиб бораётгандаймиз. Олислашаётган ўзликни қайтаришга вақтимиз етармикин? Наҳотки шунчалар вақтимиз зиқ бўлса?..

Қўчқор НОРҚОБИЛ

ДАРАКЛАР

ВЕРТОЛЁТ ҚУЛАБ ТУШДИ

Венесуэлада ҳарбий вертолёт қулаб тушиши оқибатида 18 нафар одам ҳалок бўлди. Бу ҳақда мамлакат раҳбари Уго Чавес ҳар ҳафталик "Алло, президент" кўрсатувидаги баёнотида билдирди. France-Presse хабарига қараганда, ҳалок бўлганларнинг деярли барчаси ҳарбийлар. Улар орасида Венесуэла ҳарбий кучлари генерали Доминго Фанейте ҳам бор. Уго Чавес телевидение орқали баёнотида Доминго билан 1975 йили Венесуэла ҳарбий академиясини бирга тугатганини, у ажойиб саркарда бўлганлигини таъкидлади.

Вертолёт Колумбия чегараси яқинида қулаб тушган. Ҳалокат сабабларини текшириш учун алоҳида комиссия тузилди.

ЛАТВИЯЛИК ҲАРБИЙЛАР ҲАЛОК БЎЛДИ

Афғонистоннинг Кумар музофотидаги АҚШ ва БМТ қўшинларининг кузатув постига жангарилар ҳужум уюштиришди. Натижада бу ерда хизмат қилаётган икки нафар Латвия ҳарбий аскари ҳалок бўлди, яна икки нафари эса тан жароҳати олди. Бу ҳақда Латвия миллий ҳарбий кучлари қўмондони Юрий Маклаковс берган маълумотга асосланиб, "Интерфакс" хабар тарқатди.

Ахборотда айтилишича, ҳужум пайтида латвияликлардан ташқари уч нафар АҚШ, уч нафар НАТО ва уч нафар Афғонистон миллий армияси аскарлари ҳам ҳалок бўлган. Босқинчилар қандай талофат кўргани хабарда айтилмаган.

Эслатиб ўтамиз ҳозир Афғонистонда 162 нафар латвиялик аскар хизмат қилмоқда.

ЕР КЎЧДИ

Австриянинг Альп тоғларидаги Зельден курортида содир бўлган ер кўчкиси оқибатида камида олти нафар сайёҳ ҳалок бўлган. AFP хабарида айтилишича, кўчки кечаси рўй берган. Ноқулай об-ҳаво туфайли сайёҳларга вақтида ёрдам кўрсатилмаган. Эрталаб вертолётда келган қутқарувчилар олти нафар одамнинг мурдасини топишди. Кўчкида қолганлар Чехиядан келган сайёҳлар эди. Ҳалок бўлганларнинг исми шарифи ҳозирча аниқлангани йўқ.

Кўчки содир бўлган жойда қутқарув-қидирув ишлари давом этмоқда.

ГВАТЕМАЛАДА ЗИЛЗИЛА

АҚШ геология хизмати маълумотлари асосида Agence France-Presse тарқатган хабарда айтилишича, кеча Гватемалада ер қимирлаган. Зилзила кучи Рихтер шкаласи бўйича 6,1 баллни ташкил этган. El Periodico Guatemala мухбирининг қайд этишича, зилзила маркази мамлакат пойтахтидан 86 километр узоқликда жойлашган. Сучитепекес ва Солола департаментларида ер кучли силкинган. Бу ердаги қишлоқларда бир неча уй қулаб тушган. Мамлакат вулканология, сейсмология, метеорология ва гидрология институти раҳбари Эдди Санчеснинг таъкидлашича, вайрон бўлган уйлар тагида одамлар қолиб кетган бўлиши мумкин.

ТЕЛЕФОН БОЗОРИДАГИ ИНҚИРОЗ

Жаҳонда ҳукм сураётган иқтисодий инқироз туфайли 2009 йилнинг биринчи чорагида мобиль телефонлар савдоси 13 фоизга қисқарди. Мобиль телефон ишлаб чиқариш бўйича дунёда еткакчилик қилиб келаётган Nokia компаниясида бу кўрсаткич 19 фоизни ташкил этди. Samsung бозорга телефон чиқаришни уч фоизга оширган бўлса-да, сотиш бир фоизга қисқарди. Хабарларда айтилишича, инқироздан Motorola катта зарар кўрган. Компаниянинг ишлаб чиқарилган телефонлари савдоси 46 фоизга тушиб кетди.



Таъкидлаш жоизки, фақат Applегина савдода ижобий натижага эришган. Лекин бу компания бозорга жуда оз телефон чиқаради. Масалан, Sony Ericcson бир чоракда 14,5 миллион дона телефон сотган бўлса, Apple 3,8 миллион дона телефон сотган, холос.

ГИЁҲВАНД МОДДА ОЛИБ КИРГАНИ УЧУН...

Куни кеча Япония суди мамлакатга наркотик модда олиб киришга уринган Исроил фуқаросини саккиз йилга озодликдан маҳрум этди. Вояга етмагани учун суд жиноятчининг исми-шарифини эълон қилмади. Унинг икки шериги Йоэль Голдштейн ва Йозеф Гринвальднинг суди ҳам яқин кунларда бўлиб ўтади.

Суд жараёнида маълум бўлишича, диний мактаб тингловчилари бўлмиш бу уч ўқувчи 2008 йилнинг апрель ойида Токиога 90 минг дона экстази таблеткасини олиб кираётган пайтда қўлга олинган.

Полиция вакилларининг таъкидлашича, ҳозирда уларга бу дориларни берган одамлар қидирилмоқда.

Интернет хабарлари асосида Азизбек АЛЛАБЕРДИЕВ тайёрлади.

ОҒРИҚ

АДАШГАНЛАР ҚИСМАТИ

Статистика маълумотларига қараганда, узоқ вақт мобайнида одам савдоси деб аталмиш жиноий бизнес келтирадиган фойда қурол-аслаҳалар ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосидан кейин учинчи ўринда турган. БМТ мутахассисларининг қайд этишларича, одам савдоси бугунга келиб қурол савдосидан кейинги ўринга чиқиб олди. Бу бизнес билан шуғулланувчи кимсалар йилига миллиард-миллиард доллар фойда кўради. БМТнинг статистик маълумотларида келтирилишича, сўнгги уч йил мобайнида ер юзи бўйлаб ҳар йили 700 мингдан зиёдроқ одамнинг худди бирор буюмдек сотиб юборилиши кузатилмоқда.

«127 мамлакатда «Одам савдоси» кенг тарқалган бўлса, 137 давлатга эса четдан мажбурий ишлаш учун одам келтирилади. Ўғирланган одамлар сони ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ҳар йили бир миллиондан ортиқ балоғат ёшига етмаган қизлар сотилиб, фоҳишалик билан шуғулланишга мажбурланади. Қолаверса, турли фильмларнинг очиқ саҳналарида мажбуран суратга тушириш, бу ҳам етмагандек, уруш бўлаётган ҳудудларга аскарларнинг кўнглини хушлаш учун юборилади», — дейилади БМТ тарқатган маълумотда. Халқаро Миграция Ташкилоти маълумотига кўра, шу вақтгача дунё миқёсида 5,7 миллион бола ўғирланган бўлиб, улардан 1,2 миллион нафари қурбон бўлган. Қолганлари оғир меҳнат қилишга мажбур қилинган. Кичик ёшдаги болалардан донор, ёши каттароқларидан эса минтақалардаги низоларда аскар сифатида фойдаланиш одат тусига кириб бормоқда.

Одам савдосига ўзаро боғлиқ бўлган яна бир муҳим жиҳат яширин мухожирликдир. Афсуски, айрим одамлар фирибгар кимсаларнинг ўзга юртларда катта пул топиш, бойиб кетиш ҳақидаги ёлғон чўпчакларига ишониб, тақдирларини уларнинг қўлига топшириб қўйишади. Улар шундай пайтда асрлар давомида халқ тажрибасидан ўтиб, чархланиб, ҳаётда кўп бора ўз исботини топган «Олисдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши», «Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу» сингари мақолларни эсга олишганда эди... Ваҳоланки, одам бирон мамлакат ҳудудига яширин равишда ёки сайёҳлик визаси билан кириб бориб, у ерда ишлар экан, ҳуқуқлари поймол этилганда тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам сўраб мурожаат эта олмайди. Чунки ўзи қонунбузар сифатида жазога тортилиши мумкинлигидан қўрқади. Кўпинча хориждаги иш берувчилар рўйхатдан ўтказиб, расмийлаштириш баҳонасида муҳожирларнинг паспортларини олиб қўяди. Кейин эса турли сабабларни рўкач қилиб паспортни қайтаришни пайсалга солади. Муҳожир паспортини қайтариб олиши ва қилган меҳнати учун маош тўланишига эришишига ҳеч қандай кафолат бўлмайди.

Мустақиллик туфайли бизнинг фуқароларимизда ҳам хорижга чиқиб ишлаш имконияти пайдо бўлди. Бугунги кунда Жанубий Корея, Россия Федерацияси каби бир неча давлатлар билан тегишли шартномалар имзоланган ва юртдошларимиз Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги орқали бу давлатлардан ўзларига мос иш топиб, қонуний равишда ишлагани боришлари мумкин. Шунда иш берувчи томонидан меҳнат қилиш учун бораётганларнинг барча ҳуқуқлари таъминланади, улар ўз вақтида ётоқ жой, маош, тиббий ва бошқа турдаги суғурталарни олишлари кафолатланади.

Аммо айрим фуқароларимиз оҳанрабодек ўзига жалб этаётган катта бойлик ва мўмай даромадга тезроқ етишиш учун баъзи хусусий фирмалар ва шахсларнинг хизматларидан фойдаланишади. Кўп ҳолларда улар бу кимсалар билан бировлар орқали танишадилар ва уларнинг асл мақсадини, ким эканини яхши билмайдилар ҳам. Шунинг учун ҳар бир одам ўз қадрини ҳимоя қилиши учун нафақат ўз ҳуқуқини билиши, балки ўз ҳуқуқларини поймол этгирмасликни ҳам билиши муҳимлигини замоннинг ўзи тақозо этмоқда. Улар сафар олдидан Ўзбекистондан ошкора ва қонуний равишда чиқиш йўллари, шунингдек, ўзлари бораётган давлатларига кириш, у ерда бўлиш, меҳнат қилиш қоидалари билан имкон қадар тўликроқ танишиб олишлари лозим. Бунинг учун ваколатли ташкилотлардан, жумладан, тегишли давлат органлари, кириш, чиқиш ва рўйхатга олиш бўлимлари, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигидан ўзини хорижга ишлаш учун жўнатаётган фирманинг бундай ваколатга эга ёхуд эга эмаслиги ҳақида суриштириб билиш ҳамда хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари орқали тегишли маълумотлар йиғиши керак.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ўша давлатдаги элчихонаси ёки консуллик ваколатхонасининг манзили ҳамда телефон рақамларини ёзиб олиш, у ёққа боргач, паспортларни ҳар қандай ҳолатда ҳам бегона шахслар қўлига бермаслик каби оддий қоидаларга ҳам риоя этилса, кўпгина муаммоларнинг олди олинади. Қолаверса, ҳар қандай хорижий давлатда ҳам худди ўзимизда бўлгани каби биринчи галда малакали мутахассислар талаб этилишини, малака талаб этмайдиган ишлар учун эса аксарият ҳолларда ваъда қилинганидек кўп маош тўланмаслигини ёдда тутиш керак.

Туманимизда ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда маҳаллаларда, ўқув юртларида тез-тез шу мавзуда суҳбатлар, учрашувлар ўтказиб турамиз. Уларда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар олишади, мутахассислар томонидан хорижга чиқиб ишлашнинг қонуний асослари борасида тушунтиришлар берилади.

Гавҳар МЎМИНОВА,
Жиззах вилояти
Ғаллаорол туман ФҲДЁ бўлими мудири.

ЁРУҒ НОМ

УСТОЗ МАКТАБИНИНГ САБОҚЛАРИ

Ёзувчи ёки шоирнинг дунёга танилиши ҳеч кимда таажжуб уйғотмайди. Чунки бадиий ижод орқали шуҳрат қозонганлар бисёр. Миллий тил ёки адабиёт билан шуғулланган олимнинг дунёга танилиши эса камёб ҳодиса. Бундай толе ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Устоз адабиётшунос Бегали Қосимов ана шундай бахтга ноил бўлганлардан эди. Профессор Шариф Юсуповнинг "Бегали Қосимовнинг сўнгги тўрт ўн йилликда яратган кўплаб асарлари дунёнинг уч қитъасидаги ўн бир хорижий мамлакат нашрларида чоп этилган ва ўзининг кўплаб ўқувчиларини топган" тарзидаги эътирофи ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Дарҳақиқат, устоз олим ижод этган илмий асарлар, дарслик ва ўқув адабиётлари Россия, Германия, Франция, Туркия, Япония сингари ўнлаб мамлакатларнинг нуфузли нашрларида чоп этилган. Домла бир қанча хорижий академиялар аъзоси этиб сайланган. Ўзбек адабиётининг сара намуналарини дунёга танитишда беқиёс хизматлар қилган.

Бегали Қосимов чин маънода ватанпарвар эди. Ҳақиқий миллатпарвар эди – миллий адабиёт ривожига жони-жаҳонини бағишлаганининг сабаби шунда. Бу фазилатлар унга бутун салоҳиятини бахшида этгани – маърифатпарвар жадидлардан юққан бўлса ажаб эмас. Бинобарин, у зоҳирда ҳам, ботинда ҳам ўтган аср аввалида фаолият кўрсатган маърифатпарварлар билан маслакдош эди. Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов уни "сўнгги жадид" деб бежиз атамаган.

Домланинг ёш олимлар ўрнак олиши зарур бўлган фазилатлари кўп эди. Илмий ҳалоллик унинг учун эътиқод даражасига кўтарилган эди. Асарларида ҳатто ўзининг раҳбарлигида ёқланган диплом ишига ҳам ҳаволалар берилгани бунинг исботидир. Ваҳоланки, шогирдларининг ишини ўзлаштиришдан тап тортмайдиган, бу ҳам етмагандек, бошқаларнинг фикрини ҳам ўғирлайдиган "олим"лар камми? Устоз Бегали Қосимов бундан парҳез қиларди. Сўзи билан иши бир эди.

Ўзининг илмий қарашларига зид фикрни, асосли бўлган тақдирда ҳам қабул қила олиш — чинакам улуғ олимларгагина хос фазилат. Илм майдонининг шеригина шогирднинг ана шундай хулосаларини эътироф этмоғи мумкин. Бегали Қосимов ана шундай олим эди. Биргина мисол. 1999 йили камина устоз таклифи билан университет ўзбек филологияси факультетига ишга қабул қилиндим. Домла раҳбарлик қилаётган "Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти" кафедраси доценти сифатида иш бошладим. Факультет олимларининг анъанавий йиллик илмий конференцияси ўтказиладиган бўлди. Каминанинг "Зокиржон Фурқат ижодида мустамлака сиёсатига муносабат талқини" мавзуида маъруза қилишим режалаштирилди.

Ростини айтсам, катта ҳаяжон билан келдим конференцияга. Гарчи анчамунча янги маълумотлар аниқлаган, улар Фурқат ижоди ҳақидаги мавжуд қарашларни ўзгартириши мумкинлигини ҳис этсам ҳам, кўнгилда бир андиша бор эди: бу фикрларимни устоз Бегали Қосимов қандай қабул қилади? Ваҳоланки, ўша кезлари чоп этилган 10-синфлар учун "Ўзбек адабиёти" дарслигида домла Фурқат чор Россиясининг илм-фан ва техника ривожида эришган ютуқларига маҳлиё бўлиб, унинг мустамлака сиёсати моҳиятига етмаганини афсус билан таъкидлаб ёзган эди. Энди эса шогирдларидан бири бу фикрларнинг зиддини исботламоққа чоғланса-я... Буни қабул қилиб бўладими?

Конференцияга келар эканман, хаёлим ана шундай ўйлар билан банд эди. Ниҳоят, маъруза учун каминага сўз берилди. Минг истиҳола билан фикрларимни баён этишга киришдим. Фурқатнинг "Муножоти мусаддас" асаридаги "куффор банди ичра сонсиз тугунда қолган" юртга ачиниб, "Бечоралар на қилсун, бўлса сиёсати Рус", тарзидаги исён руҳи билан суғорилган мисралари, "Бегим" радифли ғазалида "Келди зоғу қолди булбуллар навоси" тарзидаги изтироблари, "Бўлди" радифли мухаммасида "Ҳамани эмди кўз тутгони бир Соҳибқирон бўлди" дея миллатни озодликка, ҳурриятга олиб чиқувчи йўлбошчига катта эҳтиёж борлиги ҳақидаги орзулари талқини хусусида сўзладим. Сўзлар эканман, устоз олимнинг "Бўлди, тўхтатинг энди", дейишини кутаман. Бироқ...

Маъруза ниҳоясига етган сари устознинг юзи ёришиб бораётганини сездим. Конференция сўнгидаги музокарада Бегали ака "Бугунги маърузалар ичида менга энг ёққани Фурқат ҳақидагиси бўлди. Мумтоз адабиётимиздан энг йирик беш ижодкорни ажратиш заруратн туғилса, шубҳасиз, улардан бири Фурқат бўлади. Узоқ йиллардан буён мутахассис сифатида мени бир фикр изтиробга солиб келар эди: "Наҳотки, шундай улкан ижодкор мустамлака сиёсатининг моҳиятини англаб етмади?" Шу боис яқин-яқингача шоир ҳақида худди шундай мулоҳазаларни ёзиб келдик. Бугун мендаги ана шу иштибоҳ тарқади. Бу янгиликларни секин айтиб бўлмайди. Бу фикрларни бонг уриб айтиш керак. Токи шоир ҳақидаги асл ҳақиқат ҳаммага етиб борсин".

Тўғриси, ҳайратларда қолдим. Жуссаси унчалик катта бўлмаган устоз Бегали Қосимовнинг салобати менинг кўз ўнгимда беқиёс даражада улканлашгандек туюлди. Унинг учун илмий ҳақиқат ҳамма нарсадан устун эканини билиб, олимга бўлган ҳурматим янада ошди. Одамнинг ҳаётида юлдузли онлар кўп ҳам бўлавермайди. Мен учун ўша кун ҳаётимнинг ана шундай нодир саҳифаларидан бўлиб қолди. Гўёки елкамдан қанот ўсиб чиққандай эди. Илмий истиқболимга ишончим ортиб кетгандек бўлди...

Миллий университетнинг 90 йиллик юбилейи муносабати билан "Ўзбекистон Миллий университетининг илмий мактаблари" деган салмоқли тўплам нашр этилди. Унда ўзбек миллий уйғониш адабиётини ўрганиш бўйича ўз тадқиқот усулларига, муносиб анъаналарига эга илмий мактаб — Бегали Қосимов мактаби ҳақида ҳам ёзилган. Дарҳақиқат, олим ана шундай илмий мактаб асосчиси сифатида наинки мамлакатимизда, ҳатто узоқ ва яқин хорижда ҳам эътироф этилган.

Муҳими, олимнинг бу борадаги анъаналари бугун муносиб даражада давом эттирилаяпти. Жадид матбуоти, жадид педагогикаси, жадид адабиётшунослиги, жадид драмаси сингари йўналишларда тадқиқотлар яратилмоқда, докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинмоқда. Камина ана шу илмий мактабнинг давомчиларидан бири эканимдан фахрланаман. Устозга хос фазилатлардан озгина юққан бўлса, ўзимни бахтиёр санайман.

Нурбой ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Миллий университети профессори, филология фанлари доктори.

Муяссар опанинг матонати

ЗАМОНДОШ

Муяссар опа 52 йилдан буён матога игна санчади. Уста игнани матога қай йўсинда урса, нақш қандай тус олишини бармоқлари учидаги асаб толалари орқали билади. Лекин шундай бўлса-да, эҳтиёт шарт ўлчайди, чамалайди, бутун диққат-эътиборини бир нуқтага жамлайди, бор кўз нурини нақшга қадайди. Табиийки, ҳар қатим ипга меҳр толаларини қўшади. Сабаби — меҳр ва завқ туйғулари аралашмаган буюм харидорини тополмаслиги аниқ.

Бугун юртимизда зардўзлик маҳсулотлари кириб бормаган хонадон бўлмаса керак. Миллий анъаналаримизга кўра, биз тўйлар ёки тадбирлар арафасида уларга янада кўпроқ эҳтиёж сезамиз. Бухоро моҳир зардўз, Ўзбекистон Қаҳрамони Муяссар опа Темирова ва унинг шогирдлари тиккан келинкуёвлар учун миллий либослар, зардўзи тўнлар қанчадан-қанча хонадонларга қувонч улашмоқда, неча-неча дунёга ном таратган спортчилар, санъаткорлар, меҳнат фахрийлари, зиёлиларнинг елкасига ғурур ва фахр рамзлари сифатида ёпилаяпти. Юртимизга ташриф буюрган ҳар қандай сайёҳ зардўзлик намуналарини қадрлайди, уларни ноёб совға сифатида ўзи билан олиб кетишни маъқул кўради.

Муяссар опанинг таржимаи ҳоли оддий. Ўрта мактабни тугатиб, Бухоро зардўзлик фабрикасига ишга кирди. Шу-шу 45 йил мобайнида опа мазкур жамоада қўним топди. Ушбу маълумотнинг ўзиёқ ҳунарманднинг катта сабр-матонатидан, камтар ва бой кўнгил мулкидан дарак беради.

Пойтахтимизнинг Навоий кўчасида Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи бор. У ердаги ноёб экспонатлар қаторида бобомизнинг суратлари акс этган бир катта панно беихтиёр диққатингизни тортади. Унинг фони тўқ қизил рангда бўлиб, ўртасида ҳазрат Навоийнинг қиёфаси, чеккаларида шоир яратган асарлардан кўринишлар акс этган. Тасвирлар аниқ ва маҳорат билан ишланган. Устидан жуда нозик дид билан зар тикилган. Уни А.Навоийнинг 525 йиллик тўйи муносабати билан зардўз Муяссар Темирова тиккан. Ўз даврида мутахассислар томонидан бу иш юқори баҳоланган ва муаллифга "Биринчи даражали ҳунарманд" унвони берилган. Ўшанда опа Бухоро зардўзлик фабрикасининг энг чевар ва илғор ёшларидан бири эди. Шундан буён 43 йил ўтса ҳамки, ҳали ҳамон ҳар йили улуғ шоир таваллуд топган кун арафасида телевидение кўрсатувларида шу панно албатта, акс этади.

Тошкентдаги муҳташам "Истиқлол" саройи учун парда тикиш ишига бир гуруҳ зардўзлар жалб этилди. Катта миқёсдаги ушбу ҳунармандлик намунасини яратишда Муяссар опа ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Парда узоқ йиллар давомида сарой кўркига кўрк бағишлади. Шунингдек, опанинг турли хориж давлатларида бўлиб ўтган кўргазмалардаги иштироки инобатга олиниб, унга мукофотлар берилди. Жумладан, 1973 йили у Ўзбекистон халқ рассоми унвонини олди.

— Мендек бир оддий ҳунарманд 1995 йили мамлакатимизнинг энг олий мукофотини Президентимизнинг қўлларидан олиш шарафига эришдим. Аслида миллий қадриятларимизнинг қайтиши биздек ҳунар эгаларининг бошига қуёш чиққани билан баравар. Чунки ҳунармандлар чинакамига қадр топадиган давр бошланди. Ўшанда мен 51 ёшда эдим. Ўзбекистон Қаҳрамони унвонини оларканман, ўз-ўзимга сўз берганман: то билагимда кучим бор экан, ҳунаримни ёшларга ўргатаман.

Бир неча йилдирки, Муяссар опанинг дастгоҳи ўзи яшаётган "Сайфиддин Боҳарзий" маҳалласининг фуқаролар йиғини идорасига кўчирилди. Идора ҳудудидан устоз ва шогирдлар учун дурустгина хона ажратилди. Ҳунарманд опанинг оиласидаги юмуши ўзига етарли. Турмуш ўртоғи, икки келини, олти невараси бор. Лекин шундай бўлсада, опа асосий иш вақтини маҳалла идорасидаги устахонасида ўтказади.

— Муяссар опа руҳан бақувват аёл,— дейди "Сайфиддин Боҳарзий" маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Маҳбуба Ражабова. — Биз у кишининг ҳаётий тажрибаларидан фойдаланишимиз, ишбилармонлик қирраларини ёшларга намуна тарзида тарғиб қилишимиз лозим. Ҳудудимизда 3256 нафар киши истиқомат қилади. Табиийки, бу инсонларнинг ўзига яраша муаммолари бор. Уларни ҳал этишда, тадбирларни ташкиллаштиришда, зарур бўлса, уларга ҳомийлик қилишда М.Темированинг кўмагига, маслаҳатларига суянамиз. У киши ёшларимизга зардўзлик сирларини бепул ўргатади. Яқинда ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида яхши бир лойиҳа устида иш бошладик. У ўз тасдиғини топса, маҳалламиз қиёфаси янада ўзгача тус олади.

Бугун маҳаллада ҳунарманд устозни сўроқлаб келаётган шогирдлар, ота-оналар, буюртмачиларнинг кети узилмайди. Муяссар опанинг бир зум бўш вақти йўқ, қўлиқўлига тегмайди.

— Кеча бир аёл қизини етаклаб келди, — дейди опа, — У дастгоҳ ёнида туриб ишимизни кузатди-да, бу ҳунар қизимга тўғри келмайди, шекилли, ўтириб ишлайверганидан қизимнинг елкаси букчайиб қолмайдими, деб қолди. Мен қизнинг онасига букчайса, 52 йилдан буён менинг елкам букчаярди. Кўриб турганингиздек, алифдек тикман, дея ҳазиллашдим. Қайтага ҳалол ҳунарим орқасидан қаддим тикланди, дунё мамлакатларини кўрдим. Бугун ёшларни енгил-елпи пул топишга, ўткинчи юмушларга ўргатиш уларнинг келажагига болта уриш билан баробар, деб ўйлайман.

Маҳалла жонкуярлари

Агар Бухоро шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятида жамоа манфаати учун қайғуриш қандай экани қиёсан ўрганилса, энг аввало, Малика Эшхўжаева ва у бошқараётган маҳалла эътироф этилган бўларди.

Бу аёл етакчилик қилаётган Собир Раҳимов номли 17-маҳалла шаҳардаги катта жамоалардан бири ҳисобланади. Маҳалладаги 868 та хонадонда 4010 нафар киши истиқомат қилади. М.Эшхўжаеванинг айтишича, бу ерда зардўзлик, тикиш-бичиш, қандолатпазлик, кулолчилик билан шуғулланаётган ҳунармандлар кўпчиликни ташкил этади. Яна олтита корхона ишлаб тургани алоҳида эътиборга лойиқ.

Маълумки, аксарият жойларда ёшларга ҳунар сирларини ўргатиш учун пуллик хизмат кўрсатилади. Бу ерда эса ижтимоий кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ва бирор касбнинг этагидан тутишни истаган ёшлар бепул ҳунар ўрганишлари мумкин. Корхоналарнинг раҳбарлари эса ушбу ишларнинг бошида турган маҳалла фуқаролар йиғини раисасини ҳурмат қилгани учун уни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда.

— Маҳалламиз аҳил ва уюшган жамоалардан,— дейди Малика Эшхўжаева.— Яқинда ҳудудимизда ёшларни иш билан таъминлаш, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида "Нафосат" моделлар уйи ташкил этилди. Уни ишбилармон қизимиз — Нафосат Тўраева бошқараяпти. Либослар уйининг кўркам биносини Н.Тўраеванинг отаси бунёд этди. Моделлар уйи маҳалламиз аҳли учун қулай ерда қурилиши маъқул топилди. Энг муҳими, ҳозир бичиш-тикишга лаёқати бор ёшлар бу ерда ҳунар сирларини бепул ўрганаяптилар. Бундан кўпчилик манфаат кўраяпти.

Ёш бўлса-да, устоз-шогирдлик ишини зиммасига олган Нафосатхонни суҳбатга тортамиз.

— Ўзим тикиш-бичишнинг дастлабки кўникмаларини 15 ёшимдан ўрганганман, — дейди у. — 18 ёшимда ишларимнинг илк коллекциясини намойиш этдим. Ҳозирги ёшлар билим ва ҳунарни тез эгаллайдилар. Уларнинг замонавий русумдаги либосларга қизиқишлари яхши. Мен либослар бўйича дизайнер мутахассислигига ҳам ўқиб, ҳам ишлаб эришганман. Нуфузли корхоналарда орттирган тажрибаларим ҳозир жуда асқотаяпти.

Нафосатхон тиккан ёшларнинг мучал ва бошқа миллий маросимларда кийиладиган либослари, кундалик иш ва ўқиш учун мўлжалланган, ихчам ва замонавий кийимларни кўздан кечирамиз. Бичимлар аниқ. Замонавий ҳамда миллийлигимизга хос услуб ва чизгилар билан уйғунлашган. Чоклари текис ва силлиқ. Костюм ва кўйлакларни тайёр ҳолга келтириш учун танланган қўшимча матолар ранги ва сифати бир-бирига ҳамоҳанг. Хуллас, Нафосатхон ва унинг шогирдлари қадимий зардўзлик услубида тикаётган либослар ҳар қандай кишини ҳам бефарқ қолдирмайди. Кийимларни томоша қиларканмиз, уларнинг дизайнери бежиз 2006 йили республика ижодкор ёшларининг "Келажак овози" кўрик-танловида ғолиб бўлмаганига амин бўлдик.



Ҳа, илгари маҳалла идораси тўй ва маросимларда қозон, самоварларни ижарага бериш билан шуғулланарди, холос. Ҳозир эса унинг вазифаси умуман бошқача. Иқтисодий жиҳатдан ҳам ўз-ўзини бошқариш органларининг имконияти мустаҳкамланиб бораяпти. Маҳалла фуқаролар йиғининг "кўл"и қаёққа узатса, етади. Иш, ҳунар, моддий-маънавий кўмак... қўйингки, ҳар қандай муаммонинг калити ўзини-ўзи бошқариш органларининг қўлида.

Буларнинг ҳаммаси эса Малика Эшхўжаева ҳамда Нафосат Тўраева каби маҳалласи тараққиётини фаолиятининг маззмуни деб билган жонкуяр инсонларнинг саъй-ҳаракатига ҳам боғлиқ.

Мамлакат НОРМУРОДОВА,
"Hurriyat" мухбири. ®

АҲВОЛ

ТАБИАТ ҲАМ КЎМАККА МУҲТОЖ

уни муҳофаза қилиш инсонийлик бурчимиз

Бугун инсоният табиат саховатидан фойдаланиш асносида унинг узоқ вақт давомида шаклланган асл манзарасини ўзгартириб, зарар етказмоқда. Саноат ва қишлоқ хўжалигининг тўхтовсиз ривожланиши, табиий майдонларнинг беаёв ўзлаштирилиши экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келаяпти. Натижада ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсида айрим турларининг йўқолиб кетиши, биологик хилма-хиллиги ҳамда генофонди камайишининг хавфи кучаймоқда.

Республикамизда атроф-муҳитни, ўсимлик ва ҳайвонларнинг ноёб турларини муҳофаза қилиш, биологик хилма-хилликни сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик ҳолатни соғломлаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилаяпти. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси, шунингдек, халқаро ташкилотлар соҳага оид қонун ва қарорлар ижросини, халқаро ҳужжатларга риоя этилишини таъминлаш юзасидан ҳамкорликда иш олиб боришаётир. Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси давлат бионазорати бўлими бошлиғи **Ўлмас СОБИРОВ** билан суҳбатимиз ана шу ҳақда кечди.

— Мамлакатимизда «Биологик хилма-хилликни сақлаш миллий стратегияси ва ҳаракат режаси» ишлаб чиқилмоқда. Сиз унда қандай масалаларни устувор қилиб белгилаш лозим деб ўйлайсиз?

— Одатда бундай муҳим ҳужжатларни тайёрлашда у ёки бу давлатнинг жўғрофий ўрни, табиати, шарт-шароити ва ўзига хос бошқа жиҳатлари эътиборга олинади. Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Фикримча, "Биологик хилма-хилликни сақлаш миллий стратегияси ва ҳаракат режаси"да қуйидагиларга урғу бериш керак: муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини қайта ташкил қилиш, бундай ҳудудлар умумий ер майдонини 5,2 фоиздан 10 фоизга етказиш; аҳолининг экологик маданиятини ошириш, биохилма-хиллик, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генофондини сақлаш ва ундан тўғри фойдаланиш ҳаракатида қатнашиш, биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш механизмларини ривожлантириш.

— Айни пайтда республикамизда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг аҳволи қандай?

— Мамлакатимизда бундай ҳудудларнинг умумий ер майдони 23283,8 кв. км.дан иборат. Алоҳида-алоҳида олиб қарайдиган бўлсак, бу ҳудуд 9 та давлат қўриқхонаси (ер майдони 2089,2 кв. км.), 2 та миллий боғ (5987 кв. км.), 10 та давлат буюртмахонаси (15095,5 кв. км.), ноёб ёввойи ҳайвон турларини кўпайтиришга ихтисослашган 3 та марказ (73,2 кв. км.) ва 6 та табиат ёдгорлигини (38,9 кв. км.) ўз ичига олади.

Юқорида таъкидланган халқаро Конвенция ва "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги қонун талабларидан келиб чиқиб, табиат ёдгорликларини аниқлаш ишлари олиб борилмоқда. Кейинги икки йилда қўмитамизнинг жойлардаги бўлинмалари маҳаллий ҳокимиятлар билан ҳамкорликда ёши юздан ошган 1014 дона дарахтларни аниқлашди. Ноёб бўлган, экологик, илмий, маданий ва эстетик жиҳатдан қимматли ҳисобланган бу дарахтларга "Давлат табиат ёдгорлиги" мақоми берилди.

— Маълумки, "Қизил китоб"ни юритиш юқорида тилга олинган халқаро Конвенциянинг таркибий қисмидир. Республикамизда бу борадаги ишлар қай аҳволда?

— Чиндан ҳам ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг турлар хилма-хиллигини сақлашда "Қизил китоб"нинг аҳамияти беқиёс, албатта. Бизда уни юритиш учун Идорараро комиссия тузилган. Ўзбекистон "Қизил китоб"и ўз низомига мувофиқ, ҳар беш йилда янгиланиб, чоп этилиши лозим. Ушбу муддат ичида кўрилган махсус муҳофаза чоралари туфайли китобга киритилган баъзи ҳайвонлар ва ўсимликлар турлари сон жиҳатдан тикланиши, айримлари эса камайиши кузатилмоқда. Масалан, 2006 йилда нашр қилинган "Қизил китоб"да ўсимликларнинг 305 тури (1983 йилда 163 тур, 1998 йилда 301 тур эди) ва ҳайвонларнинг 184 тури (1984 йилда 63 тур, 2003 йилда 184 тур) киритилган.

— Масалан, "Қизил китоб"да қайд этилган ҳайвонларнинг қайси тури кўпайган ёки камайган?

— Қўмитамиз ходимлари Ўзбекистон Фанлар академияси Зоология илмий тадқиқот институти олимлари билан ҳамкорликда олиб борган доимий кузатув натижаларига кўра, сўнгги икки йилда Қорақалпоғистондаги "Судочий" давлат буюртмахонасида, Жиззах вилоятининг Ғайдар-Арнасой кўллар тизимида ва мониторинг ўтказилган бошқа сув ҳавзаларида "Қизил китоб"га киритилган айрим ноёб қушлар, шу жумладан, кичик қоравойлар бош сони кескин кўпайган.

(Давоми 8-бетда.)

МАЪНАВИЯТ

ДАРҒА

Уйғоқ қалб ва бетакрор овоз соҳиби эди

Санъатимиз тарихида шундай улуғ дарғалар борки, улар бетакрор овози, дилтортар куй-қўшиқлари билан ўзига хос мактаб яратиб кетган. Бу мактабга қадам ранжида қилган ҳар бир инсон куй, қўшиқ, сўзнинг масъулиятини юракдан ҳис этади. Бундай улкан истеъдод соҳиблари эса ҳар доим ҳам туғилавермайди. Халқимизнинг улуғ санъаткорларидан бири Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов ана шундай соҳир қалб, соҳир овоз соҳибларидан эди.

Тўйчи ҳофизнинг санъатга, мусиқа ва қўшиқчиликка меҳри анча эрта уйғонган. Унинг отаси қаерда тўю томоша, аскиячилар, ҳофизу шоирларнинг чиқиши бўлса, фарзандини ўша ерга олиб борарди. Кейинчалик эса уни амакиси уста Кўчқор ҳам мана шундай қизиқарли тадбирларга олиб борадиган бўлди. Кўчқор доирани ҳам яхшигина чертарди. Созандалар уни тўю томошаларга олиб боришарди. Ёш Тўйчи ҳам доим амакиси билан бирга тўю базмларга бориб, доира чалишни ўрганди. Тўйчини пойтахтимизнинг эски шаҳар қисмидаги «Маҳкама» масжиди ёнидаги мактабга ўқишга бергандилар. У мактабда ўқиш чоғида Ҳофиз Шерозий, Жомий, Навоий, Фузулий, Машраб сингари мумтоз шоирлар асарларини берилиб ўқиди, ғазалларини ёдлади.

Бир куни мактабда ўқитувчи Абдулла қорининг ташаббуси билан шоир Мавлоно Камий Тошкандий билан учрашув уюштирилди. Тадбирда шоир Камий ўқувчиларга бир туркум янги шеърларидан ўқиб берди. Муқимий, Фурқат, Васлий, Хазиний каби ижодкорлар билан бўлиб ўтган учрашувлар, ғазалхонлик кечалари ҳақида

Ўзбекистон халқ ҳофизи Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов. 1930 йиллар.

тўлқинланиб гапирди. Шундан сўнг Абдулла қори Камийга қараб «Мана бу — Тўйчи. У Фузулий, Навоий шеърларидан ва сизнинг, Муқимийнинг ғазалларидан бир қанчасини ёддан, таъсирчан ўқийди», деди. Шунда Камий Шоший (Тошкандий) «Қани бир эшитайлик-чи", деганди Тўйчи шоирнинг «Булбул» радифли ғазалини ифодали ўқиб берди. Кейин «Бобо равшан» қўшиғини хиргойи қилди. Ғазалнинг ўқуви ва қўшиқ хониши шоирнинг ўзига ҳам, бошқаларга ҳам манзур бўлди. Камий Тўйчига қараб, «Раҳмат, сизга асло кўз тегмасин. Навоий, Фузулий каби улуғ зотларга ихлос қўйибсизми, демак, кам бўлмайсиз. Мен сизни Фарзинхон, Саъдулло ҳофизлар билан таништириб қўяман. Хониш йўлида улар сизга эътибор қаратади. Санъаткорликнинг сир-асроридан воқиф этадилар. Ғазалларнинг мазмун-маъносини идрок этиб ўқишингиз эса алоҳида таҳсинга лойиқ. Энди сизни «Мулла Тўйчи" дея атасак ҳам бўлаверади», деди. Ҳамма бу фикрга қўшилиб Тўйчини қутлаганди.

1889 йил... Қўқонлик шоир Зокиржон Фурқат Тошкентга келиб, узоқ вақт «Қўқалдош» мадрасасида яшаб ижод қилди. Фурқат ҳузурига Камий ва Саъдулло ёш ҳофиз Тўйчини ҳам бошлаб келди. Фурқат ўшанда Тўйчига ўз ғазалларидан бериб, кейинчалик бу хушовоз хонишчига атаб «Мувашшаҳ" ҳам ёзганди. Тўйчи ҳофизнинг Камий, Фурқат, Фарзинхон, Саъдуллолар билан ғазал, қўшиқ базмларида, гап-гаштакларда қатнашгани унинг ҳаётида, ижодида алоҳида ўрин тутди.

Тўйчи ҳофиз Фурқат тортиқ этган ғазалларни куйга солиб, то умрининг охиригача хониш айлаб келди. Шунингдек, «Сайдинг қўябер...»ни ҳам Тошкентда яратди. Бу қўшиқни Тўйчи ниҳоятда дардчил оҳангда ижро этдики, у тингловчилар қалбини ўзига сеҳрлаб қўйганди... Шунданми, бу қўшиқни ҳали-ҳануз ҳофизу хонандаларимиз меҳр билан ижро этиб келмоқдалар.

Умуман, Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов том маънода улкан санъаткор. У ноёб иқтидор, ёқимли, ширали овози, ижро услуби билан санъат оламида ўзига хос мактаб яратди. У мумтоз санъат намуналаридан тортиб, халқона куй-қўшиқлару мақол ва маталларгача биларди. Бу билимини ҳаётининг сўнгги нафасигача асраб-авайлаб, келгуси авлодларга улашиб кетди. Ўзи ҳам санъатга фидойи, ватанпарвар, меҳр-оқибатли, феъл-атвори мулойим, бўй-басти келишган санъаткор ва саховатпеша инсон эди. У ўз қўшиқлари билан халқимизга нафосат улашди. Инсонларни тинч-тотувликка, соф муҳаббатга, имонли, эл-юртга садоқатли бўлишга даъват этди. Унинг соҳир овози, юксак маҳоратидан ибрат олиб «Тўйчи ҳофиз усули»да хониш этиб келаётган ҳофизлар жуда кўп. Истеъдодли ҳофизнинг Шерозий, Навоий, Жомий, Машраб, Фузулий, Муқимий, Фурқат, Камий, Хислат, Мискин, Хуршид ва бошқа қатор шоирларнинг ғазаллари билан айтган «Ушшоқ», "Баёт" «Чоргоҳ», «Гиря», «Ироқ», «Кўча боғи», «Фиғон», «Шаҳнози гулёр», «Таронаи дугоҳ», «Дугоҳ Ҳусайн», «Қашқарчаи сарвиноз» ва бошқа кўплаб ашулалари маданий меросимиз хазинасининг ноёб дурдоналари ҳисобланади. Ҳофизга Навоий ғазали билан ижро этган «Ушшоқ» (яъни «Қаро кўзим") қўшиғи жуда катта шуҳрат келтирди ва бу қўшиқ санъатимиз зарварақларида Тўйчи ҳофиз яратиб кетган мактабнинг ажойиб намунаси бўлиб муҳрланди. Бугун беназир санъаткоримизнинг шогирду издошлари устози йўлида хониш айлаб, маданиятимиз бўстонини ўлмас қўшиқлари билан безаб келмоқдалар.

Тўйчи Тошмуҳаммедов ХХ асрда бўлиб ўтган тарихий тадбирларнинг наинки гувоҳи, балки бевосита иштирокчиси ҳам эди. Машҳур санъаткор дастлаб саҳнага «Заволли Ватан», «Ҳалима», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби спектакларни мусиқий безашда бастакор Шораҳим Шоумаров билан ҳамкорликда ижод этди. Улкан ҳофиз меросидан Успенский, Толибжон Содиқов, Глиэр, Мушель, Тўхтасин Жалилов, Ашрафий, Юнус Ражабий ҳам унумли фойдаланиб келган. Шунингдек, мусиқий драма ва комедия операларини яратиш жараёнида ҳам буюк устознинг таъсири мавжуд. У неча йиллар мобайнида машҳур ҳофизлардан Левича ҳофиз, Ҳожи Абдулазиз, домла Ҳалим каби атоқли созандалар, олимлару режиссёрлардан Маннон Уйғур ва Музаффар Муҳаммедовлар билан ҳам ҳамнафас бўлган.

Халқимизнинг севимли санъаткори 1937 йил Москвада ўтказилган ўзбек санъатининг биринчи декадасида фаол қатнашди. Унинг ижросидаги қатор ашулалар ёзиб олиниб, кўплаб грампластинкалар чиқарилди. Ҳофиз катта Фарғона каналини, Чирчиқ ГЭСини бунёд этган меҳнаткашларнинг маданий хизматида кўп бўлган. 1927 йилда Тўйчи Тошмуҳаммедовнинг катта ижодий кечаси Тошкентда ўтказилди. Ўшанда унга «Ўзбекистон халқ ҳофизи" ҳамда «Меҳнат Қаҳрамони» унвони берилганди. Устознинг шогирди ва издошлари Тожикистон, Озарбойжон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон мамлакатларида ҳам бўлган.

У наинки гўзал ҳониш этиш, балки мумтоз шоирлар ғазалларига хароратли куйлар пайванд этиш, маданий мерос бўлиб келаётган ашулаларга янгича сайқал бериш, уларни ижрода янгидан кашф этиш каби маҳоратга эга эди. Санъаткор бастакорлик қобилиятига эга бўлиб, мумтоз шоирлар шеърига куйлар ҳам яратганди.

Мулла Тўйчи ҳофизни қанчадан-қанча ҳофизу хонандалар устоз сифатида эъзозлаб ҳурмат қиларди ва у айтган, яратган қўшиқларга меҳр боғлаб йиллар мобайнида ўз ижроларида акс эттириб келарди. Атоқли бастакорлардан Шораҳим Шоумаров, Виктор Успенский, Рейнгольд Глиэр, Юнус Ражабий, Тўхтасин Жалилов, Толибжон Содиқов, Мухтор Ашрафий кабилар ҳам саҳна асарларини, мусиқий драма ва операларини яратиш жараёнида машҳур ҳофиз, асрий мусиқий меросимизнинг зукко билимдони Мулла Тўйчи ҳофиздан қанчаданқанча куй-қўшиқларни, мумтоз ашулаларни нотага ёзиб олган эди ва ўз саҳна асарларини безагандилар.

Туркистон ўлкасига, ўзбеклар диёрига дастлаб граммофон ва грампластинкалар кириб келишида ҳам Тўйчи ҳофизнинг дебоча ташаббуси мавжуд. Унинг саъй-ҳаракати билан Андижонда, Тошкентда, Хўжандда дастлабки граммофон ва грампластинка дўконлари ташкил этилган эди. "Граммофон" жамиятининг "Пишуший амур" фирмаси Тўйчи Тошмуҳаммедов ижросидаги бир қатор ашулаларни ёзиб олиб, қатор мамлакатларга тарқатган эди. Машҳур ҳофиз ўз санъатини, ижрочилик маҳоратини Эрон, Туркия, Миср, Ҳиндистон, Хитой, Россия ва бошқа юртларда ҳам намойиш этган.

Тўйчи ҳофиз йирик санъат намояндалари билан. Москва, 1923 йил.

Тўйчи Тошмуҳаммедов Ўзбекистонда Бастакорлар уюшмасининг ташкил этилишида, Фарғона, Лағон, Тошкент каналларини бунёд этиш тадбирларида ҳам ўз санъати билан фаол иштирок этган.

Пиру бадавлат отанинг ўғиллари — Йўлчи, Абулқосим, Эркин, Тўлқин, қизлари — Кимё, Ҳожар, Орохон, Қундузхон, Мўътабархонлар отасига муносиб фарзанд бўлиб камолга етишишди. Фарзандлари орасида хонанда, созанда, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоблари, хизмат кўрсатган артистлар, рассомлар, педагоглар, журналистлар ҳам бор.

Маданиятимиз равнақига улкан ҳисса қўшган Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедовнинг ўзбек санъатида ўз ўрнини топиши осон ва равон бўлмаган, албатта. Шўро тузуми ҳофизга не-не тазйиқу ғурбатларни раво кўрмаган, дейсиз. Лекин булар ҳофизнинг иродасини буколмади. Унга шоҳ Бобуру Ҳусайн Бойқаро ёки Навоий, Огаҳий ғазаллари билан қўшиқлар куйлашингни тўхтат, деб талаб қўйишганда ҳам у ўз хонишидан қайтмаганди. ХХ асрнинг 30-йилларига келиб эса «Тошмуҳаммедов қачонлардир Муқимий ва ватандан чиқиб кетган Фурқатга бағишланган ғазалларни куйга солиб айтади. Нега шўрога бағишланган қўшиғи йўқ, агар бунақаси бўлмаса, радиони, саҳнани тарк этсин", дея ҳатто бир қанча вақтларгача ҳофизни тазйиқ остида қолдирдилар. Мана шундай камситув, тазйиқлар кейинчалик ҳам давом этганди. Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедовнинг 100 йиллик юбилейи муносабати билан унинг номи Тошкент грампластинка заводига қўйилмоқчи бўлганда марказга раддия ёзишганди. Бироқ, ушбу мўътабар сана боис, унинг муборак номи мазкур заводга қўйилганди.

Мустақиллик шарофати туфайли элюрт олдидаги улкан ва беқиёс хизмати учун Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедовнинг буюк хизматлари юксак эъзозланди. Президентимизнинг Фармони билан машҳур санъаткор «Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланди. 2008 йилда Тўйчи ҳофиз таваллудининг 140 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказилди. Унинг ижро этган қўшиқлари радио ҳамда телевидение орқали бериб турилибди. Қўшиқлари турли танловлар, қўшиқ байрамларида, халқаро фестивалларда шогирду издошлари томонидан куйланиб келинмоқда. Хотирасини абадийлаштириш мақсадида санъаткорнинг номи Қаршидаги давлат музиқали драма ва комедия театрига берилди. Ҳаёти ҳамда ижоди ҳақида «Тўйчи ҳофиз» номли китоби чоп этилди. Буюк санъаткор номи абадиятга юз тутган.

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, санъатшунос.

ШЕЪРИЯТ

УМИДВОР ҚИДИРДИМ ГУМБАЗЛАРДАН НУР



Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати

ИЗҲОР

Шукрлар қиламан сенга, худойим,
Қутлуғ айёмларга етганим ҳаққи.
Қўлга қалам тутиб, имоним қоим,
Ушбу сатрларни битганим ҳаққи.

Умр чархпалагин бўлмайди буриб,
Ёшгина болага ширин сўз ғурур.
Мен ношуд замоннинг тубинда туриб,
Умидвор қидирдим гумбазлардан нур.

Илк бора сабоқни олдим онамдан,
Мурғак қаламимга отам ишонди.
Қутлуғ номи қора бўлган у дамда,
Бордим азиз айлаб Дукчи эшонни.

Талаба эканман ғурбатда ғариб,
Ёш кўнглим ёритди "Машраб" деган ном.
Жафокаш тарихга интилган сарим,
Қадимги қўшиқлар бахш этди илҳом!

Халқим туҳматларга қолганда ногоҳ,
"Ўз-ўзинг англа!" деб майдон отилдим.
Чидамоқ мушкулдир, Конигилда, оҳ,
Сарбадорлар билан дорга тортилдим...

Темурбек этагин тутиб босафо,
Табаррук изларин тавоф айлайман.
Нўноқ қаламимни йўниб бу асно
Жонимни ўтларга урмоққа шайман...

Сени севганимдан ҳаётим обод,
Шодлик-қувончингман, оху нолангман.
Атрофга кўз солсам, гувиллар ҳаёт,
Ҳур элим, олтмишга кирган болангман!..

Шукрлар қиламан сенга, худойим,
Ушбу сатрларни битганим ҳаққи.
Қўлга қалам тутиб, имоним қоим,
Қутлуғ айёмларга етганим ҳаққи...

* * *

Кўрсат, шижоатнинг беқиёс кучин,
Ақлли ақлни бизларга кўрсат!
Озод Ватан учун, истиқлол учун
Жон фидо қилмоққа етгайми фурсат?

Бир бор назар ташлаб англар ҳар оқил,
Билар у, замонлар ўқдай еладир.
Бу куннинг ишини бу кун адо қил,
Эрта ўз ишини олиб келадир!..

ДУНЁЛАР УМИДИ

— Эй жимит гул! Бўйинг бори бир суям,
Кўк ўпар дарахтлар пойида хоксор,
Тирноқча ғунчангни кўз-кўзлаб бу дам,
Қисинмоқ, уринмоқ — сенгами даркор?

— Ким у?.. Бу сўзларга ҳайронман фақат,
Кичкина кўнглимда, эҳ, не-не ўйлар!
Кичкина кўнглимда улуғ муҳаббат
Ёруғ дунёларнинг умидин куйлар!

— Рост, кичик кўнглинга айламоққа жам
Қодирсан оламнинг эҳтиросларин!..
— Ҳа! Жимит эсам-да, илдизим маҳкам!
Кўтариб турибман ахир Ер шарин!

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ ДЕЙДИ

Сўзладинг — қул бўлдинг сўзингга шу дам...
Билурсан, яхши сўз кўнгилнинг нақши.
Сўз айтсанг, эҳтиёт бўлиб айт, бўтам,
Сўз қотмай ўлтирсанг яна ҳам яхши.

* * *

Нега шеърлар ёзмайман, ёзмайман шеърлар?
Мени шеърга бевафо бир шоир дерлар.

Шеърга меҳр қўйдиму ташладим кетдим,
"Илҳом пари" дилини ғашладим кетдим.

Шеър, дедим, кутиб турар, кетмас нарига,
Арзимни англатурман "Илҳом пари"га...

Макон тутиб ўзимга тарих пучмоғин,
Суйдим наср отида елиб учмоғим.

Насрнинг адоғи йўқ қора меҳнати,
Назмнинг дилга қувват берар роҳати...

Энди шеърни соғиниб ялинган сари,
Мен сарсонга қабоғин очмас ул пари...

Арзимни англатолмай қора кечада,
Бораргa бир жойим йўқ, қолдим кўчада.

Шундоқ хиёнат қилиб қайтиб келса ёр,
Эшикни тарс юзига ёпади дилдор!..

КИМГА КУЁВ

(Халқ йўлида)

Боғ айланар иккита қиз,
Икки гўзал, сезмас биров.
Қушча сайрар завқ-шавқ билан:
"Куёв! Куёв! Кимга куёв?"

Бири хандон отар, хандон,
Бошқасининг юзи лов-лов.

"Дугонажон, қизарма, ҳай!
Келаётир сенга куёв!"

"Вой, нималар дейсан ўзи?
Эшитмасин бошқа биров.
Энди кирдим ўн олтига...
Керак эмас менга куёв!"

Куёв танлаб юрган, эй қуш,
Тилларингда шакар борми?
Танлаганинг кимдир сенинг?
Асил ёрми, асил ёрми?

Севган ёринг асил бўлсин,
Қутлуғ бўлсин сенга куёв.
Дугонажон, билсанг агар,
Менда ҳам бор битта биров...

Куёв! Куёв! Кимга куёв?
Кимга куёв? Кимга куёв?..

ИНДИАНЛАР

"Америқо дафтари"дан
Йоннондиё, сен – қўшиқ, сен – шеърият...
Уолт УИТМЕН

Уммон соҳилида ётар бир бола,
Ғафлат уйқусидан очмас кўзини.
Қора булутларга бўғоз ҳаволар
Ҳукмрон сезади бунда ўзини.

Ул қандай ҳаводир, пуснқургани — ўт?
Ул қандай булутдир, ёқар оловлар?..
Боланинг устида гоҳ худ, гоҳ беҳуд
Балқийди Европа тутган яловлар...

Қачон уйғонасан, эй сен болажон,
Қачон дунёларга боқурсан хурсанд?
Қачон англағайсан, ки замон-замон
Америқо соҳиби ўзинг эрурсан?..

ҲИКМАТ

Ўйчан хаёл кетар югуриб,
Шошқин дарё ўйланар аста...
Тоғлар ҳаяжони мавж уриб
Булутларга бўлар пайваста...

Бу дунёда бари бир нарса,
Бир-бирига боғлиқлик – ҳикмат.
Мана, гўзал ҳижронлар ила
Боғлаб қўйди бизни ҳам қисмат...

* * *

Шўхлигим ёқади, қарайман зимдан,
Доим тегажоқлик этиб юраман.
Не қилай, одат-да, болалигимдан
Ҳаддидан ошишни яхши кўраман.

Дердилар, чатоқ иш қилмагин шошиб,
Афсуслар чеккайсан ўзинг олиб тан.
Кўрингиз, мен бевош ҳаддимдан ошиб
Шул бағри қаттиғни севиб қолибман!..

* * *

Ошиқ маъшуғини интизор кутгай,
Роҳат-фароғатлар баҳридан ўтгай,
Жаҳоний ишқини ичига ютгай...
Сўнг дарду изтироб лашкарин енгар!
Севсанг — сенга яхши, севмасанг — менга...

Тоғларда сакрабон ўйнаган оху,
Бадбин назарларни тортар ногоҳ у,
Кўзидан бошқа йўқ гуноҳи, ёҳу!
Зинҳор бирон корим тушмасин сенга...
Севсанг — сенга яхши, севмасанг — менга...

Оламда севмоқдан ортиқ нима бор?
Мол-дунё, бойлик-зар, барчаси бекор!
Сен матлуб яралдинг, мен-чи – талабгор!
Оллоҳим, қўшсинлар тенгини тенгга!
Севсанг — сенга яхши, севмасанг — менга!..

Сарв дарахтимни эъзозлаб доим,
Унга сўз отарман, ширин, мулойим.
Тўзим бер, худойим, унга, худойим!
Торга тор бу жаҳон, кенг эрур кенгга...
Севсанг — сенга яхши, севмасанг — менга!..

ФАРДЛАР

Муҳаббат — май каби олгай баҳони:
Тенг қилиб қўяди шоҳу гадони.

* * *

Бир ҳикматга имон келтирдим тамом:
Инсон енга олмас ўз-ўзин мудом...

* * *

Дунёнинг иши шу — кўнгил олмоқ, бил.
Кўнглимни олгину кўнглингни чоғ қил!

МЕРОС

Юксак миноралар мозийдан сўзлагай

Қадим Шарқ меъморчилиги асосида қурилган саройлар, мақбаралар ва мадрасалардаги гумбазларни, мораларни кўрганда аждодларимиз санъатига қойил қоласан, киши.

XVII асрда Самарқанд султони Баҳодирхон Ялангтўш қурдирган Шердор мадрасаси, унинг пештоқидаги шер, оҳу ва қуёш рамзларига тикилиб, халқимиз ақл-заковати ва меъморчилик санъатининг нақадар юксак эканига яна бир карра иймон келтирасан.

Бухородаги Минораи Калон, Хивадаги Калта Минор ва бошқа иншоотлар, нилий гумбазларга разм солиб, шаклларнинг ўзаро мутаносиблиги, геометрик уйғунлиги, кўрк ва малоҳати олдида лол қоласиз. Шу юртнинг фарзанди эканингиздан фахрланасиз.

Аждодларимиз яратган бундай бой маданий меросниг бугунги авлодлар томонидан эъзозланиб, давом эттирилаётгани янада қувонарлидир. Пойтахтимиздаги Ҳазрати имом мажмуасини зиёрат қилган киши юқоридаги фикримизга қўшилади, албатта. 2007 йилда Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида "Ҳазрати имом" жомеъ масжиди қуриб битказилди. Масжиднинг икки томонида қўкка бўй чўзган мораларр зиёратга келган хорижликларга боболаримизнинг миллий архитектура ва қурилиш соҳасидаги анъаналари авлодлари томонидан давом эттирилаётганини мағрурона намоён этади. Бу ердаги ҳар қайси мораранинг баландлиги 53 метр бўлиб, атрофга салобат бағишлаб турибди.

Ислом оламининг таниқли имомларидан бўлган Абу Бакр Муҳаммад Ибн Али Ибн Исмоил Каффол Шоший мақбараси бугун Ҳазрати имом ансамблининг кўркига-кўрк қўшса, Бароқхон мадрасаси, Номозгоҳ масжиди, Тилла шайх ота жомеъ масжиди, Имом ал-Бухорий номидаги Ислом институти ва бошқа обидалар қуёш нурида товланиб, нилий гумбазлар жилоси ила қалбларга ажиб тароват бахш этади.

— Мажмуа ҳудудида Ўзбекистон Мусулмонлари идораси ҳузуридаги Муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод қилиш жамғармаси фаолият кўрсатмоқда, — дейди мазкур жамғарма мутахассиси Икромжон Аҳмедов. — Бу мораларни самарқандлик ва хоразмлик қурувчилар бунёд этишди. Улар ва аждодларимиз тиклаган мораларр ўртасида уйғунлик бор. Иншоолло, биз қурган обидалар ҳам боқий турғай.

Бу мораларга боқиб, дунёнинг етти мўъжизасидан бири — Искандар маёқларини ёдга оласиз. Улар бир пайтлар денгизда сузиб юрган кемаларга йўл кўрсатиб турган. Аждодларимиз бунёд этган мораларнинг ҳам бу маёққа менгзаладиган томонлари анчагина. Минора тепасига чиқиб, азон айтган муаззиннинг овозини ҳар бир мўмин-мусулмон тинглаган. Илгари ҳозиргидай овозни кучайтириб берадиган мосламалар бўлмагани боис муаззин овози гумбазнинг деворларига урилгач, акс садо бериб жаранглаб чиққан. Бу аждодларимизнинг нақадар зукко, билимдон бўлганларидан далолат беради.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

МАДАНИЯТ

"ЯНАДА БАЛАНД ЧЎҚҚИЛАРНИ ЗАБТ ЭТИШНИ ИСТАЙМАН"

дейди кик-боксинг бўйича тўққиз карра Ўзбекистон чемпиони Ойбек ҚУРБОНОВ



Шифокорларнинг таъкидлашича, спорт билан мунтазам шуғулланадиган киши кам-дан-кам касалликка чалинар экан. Шу боис ҳар бир ота-она фарзандини энг яхши спорт мажмуаларига етаклаб бориб, спортнинг бирон бир тури билан шуғулланишига шароит яратиб бериш учун ҳаракат қилмоқда. Қолаверса, мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётир. Ҳар бир вилоят ва туман марказларида бирин-кетин спорт мажмуалари қурилиб, фойдаланишга топширилаётгани ҳам гапимизнинг исботидир. Энг асосийси, жисмоний тарбия билан шуғулланган кишининг ташқи кўриниши чиройли бўлиш баробарида жисмонан ҳам бакувват бўлади.

Спортнинг кик-боксинг тури бўйича тўққиз карра Ўзбекистон чемпиони, уч карра халқаро турнирлар чемпиони, бир қатор мусобақалар ғолиби Ойбек ҚУРБОНОВ ҳам спортга меҳр қўйган ёшлардан ҳисобланади. У 1987 йилнинг 7 февралида таваллуд топган ва ўн бир йилдан бери ушбу машғулот билан шуғулланиб келади.

— Мен энг бахтли инсонлардан бириман десам, хато бўлмайди, — дейди у биз билан суҳбатда. — Сабаби спорт билан шуғулланиб кам бўлмадим. Болалигимда нимаки орзу қилган бўлсам, ҳаммасига эришяпман.

— Айнан спортнинг кикбоксинг турига қизиқишингизга нима сабаб бўлган?

— Спортнинг бу турига болалигимдан қизиққанман дея олмайман. Аммо бошқа соҳалардан кўра, спортга қизиқишим катта эди. Эсимни танибманки, отам ҳар хил тўгаракларга қатнашишимга шароит яратиб берган. Дастлаб каратэ, кейин эса таэквандо билан шуғулланганман. Орадан бироз вақт ўтганидан сўнг, боксга қатнаша бошладим, кейин футбол ўйнашга қарор қилдим. Лекин бундан ҳам кўнглим унчалик тўлмади. Бир куни кўчада қўшнимизнинг ўғли билан кўришиб қолдик. У кик-боксинг билан шуғулланаётганини, агар хоҳласам мен ҳам унда ўзимни синаб кўришим мумкинлигини айтди. Адашмасам ўшанда 1998 йилнинг баҳор ойлари эди. Тўғрисини айтсам, шу пайтгача бунақа спорт тури борлигини билмасдим. Шу боис, кик-боксинг менга янгилик бўлиб туюлди. Кечқурун отамга бу фикрни айтдим. Отам эса: «Кикбоксингга ҳам озроқ қатнашиб, яна бошқасига ўтиб кетаверасанми?», деди. У кишининг бу гапларини "ўзинг биласан" қабилида айтилди деб тушундим.

Шундай қилиб, машғулотларга қатнай бошладим. Ва биринчи кундаёқ "кик" оёқ билан, "бокс" қўл билан зарба бериш лозимлигини билдим. Шунда бу айнан мени қизиқтирган спорт тури эканини тушунганим учун уни қунт билан ўрганишга қарор қилдим.

— Ҳар ҳолда дастлабки машғулотлар осон кечмагандир? Албатта, кимдир сизга ёрдам берган бўлиши керак. Шундай эмасми?

— Инсон бир ўзим ҳамма нарсага эришаман деб ўйласа, хато қилади. Мен шу пайтгача нимага эришган бўлсам, барчасида устозларимнинг хизматлари катта. Шу даражага етиб келишимда кўпчиликнинг меҳнати бор. Кик-боксинг ҳақида дастлабки билим ва кўникмаларни Ўзбекистон ва МДҲ чемпиони Дониёр Шомуродовдан олдим. Кейинчалик мамлакатимиз ва халқаро турнирлар ғолиби Акмал Зокиров билан биргаликда ишладик. Бу мураббий мени рингга чиқишга, чемпионлик учун курашишга тайёрлади. Уч карра Ўзбекистон чемпиони Равшан Ғофуров қўл остида чемпионликка эришдим. У киши билан беш йил машғулотлар олиб борган бўлсам, ана шу вақт мобайнида беш карра Ўзбекистон чемпиони бўлдим. Айни пайтдаги устозим мамлакатимиз ва жаҳон чемпиони, Тошкент шаҳар кик-боксинг федерацияси раҳбари Даврон Қодировдир. Унинг саъй-ҳаракати билан 2006 йилда кик-боксинг бўйича пойтахтимизда ўтказилган жаҳон чемпионати ғолиби, икки карра Ўзбекистон чемпиони ва кубоги соҳиби бўлдим.

— Кўплаб мусобақаларда иштирок этгансиз. Улар орасида қизиқарли кечган бирор учрашувни айтиб бера оласизми?

— Қизиқарли воқеалар, учрашувлар кўп бўлади. Улардан бири 2004 йилда Сурхондарё вилоятида мамлакат чемпионати ўтказилаётган пайтда рўй берганди. Ярим финал баҳсида иккинчи раунднинг охирида рақибим кутилмаганда чап қўли билан ўнг қулоғимга қаттиқ зарба берди. Ҳеч нарсани эшитолмай қолдим. Қунғироқ чалиниб, ҳакамлар иккинчи раунд тугади деб эълон қилди. Аммо мен эшитмасдан ҳамон рингда турардим. Рақибим эса рингдаги ўз жойига аллақачон бориб олган. Устозим Суннат Ғофуров эса мени чақираяпти. Билдимки, раунд тугаган. Кейин секин унинг ёнига бордим. Устозим нималарнидир куйиб-пишиб гапирарди. Мен эса ҳеч нарсани эшитмасдим. Фақатгина унинг қўл ҳаракатларидан нима деяётганини билдим. Шунда устозимнинг жаҳли чиқиб, ҳали рақибим зарба берган қулоғимга бир шапалоқ туширди. Шу заҳоти эшита бошладим. Шундан кейин устозимдан нима қилай, қандай маслаҳат берасиз, деб сўрадим. У киши кулимсираб шунча гапни деворга гапирдимми, деди. Кейин тактика қўлла, деб қўшимча қилди. Шундан сўнг рингга чиқдим. Учинчи раундни ғалаба билан якунладим.

— Қайси беллашувда энг яхши натижага эришгансиз?

— Мен учун ҳар бир жангнинг ўрни бор. Аммо 2001 йилда Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда ўтказган учрашувим жуда қадрли, деб ўйлайман. Негаки, ўшанда менга биринчи беллашувда қозоғистонлик Осиё ва Жаҳон чемпиони рақиб бўлган. Жанг жуда оғир кечгани билан бирга мусобақа қиш кунлари ўтказилгани боис, спорт саройи жуда совуқ эди. Шунга қарамасдан ғолиб бўлдим. Ушанда биринчи марта юртимизнинг шаъни учун рингга чиққанимни ҳис қилганман.

— Айни пайтда нима ишлар билан шуғулланаяпсиз?

— Ҳозир пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 11-мавзеда жойлашган "Қўрғонтепа" номли болаларни соғломлаштириш спорт мажмуасида ёшларга кикбоксинг сирларини ўргатаяпман. Озми-кўпми мамлакатимизда спортни тарғиб қилишга ҳаракат қилмоқдаман, десам муболаға бўлмас. Қўл остимда 50 нафар ўсмир бор. Улар орасидан Ўзбекистон чемпионлари, халқаро турнирлар ғолиблари етишиб чиқаётгани мени беҳад қувонтиради. Қилаётган меҳнатларим самарасиз кетмаётганидан бахтиёрман. Шу ўринда "Қўрғонтепа" спорт мажмуаси ҳақида ҳам айтиб ўтсам. Ушбу жой бир неча йиллар олдин Президентимиз томонидан очилган эди. Бу ерда турли хил спорт тўгараклари бор. Улардан кикбоксинг, каратэ, таэквандо, айкидо, бокс, футбол, баскетбол ва бадиий гимнастика тўгараклари ҳамиша ёшлар билан гавжум.

— Келажакдаги режаларингиз ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Албатта, янада баланд чўққиларни забт этишни истайман. Жаҳон чемпиони бўлиш учун ҳаракат қиламан. Қолаверса, шогирдларимни олимпиада баҳсларига олиб чиқиб, уларни ғолиблик шоҳсупасида кўрсам, дейман.

Азим РЎЗИЕВ ёзиб олди.

СПОРТ

ЭРМАТОВ ФИНАЛГА ҲАКАМЛИК ҚИЛАДИМИ?

Сўнгги пайтда Ўзбекистон ва Осиёнинг 2008 йилдаги энг яхши ҳаками Равшан Эрматов жорий йилдаги дунё клубларининг энг нуфузли мусобақаси — Европа чемпионлари лигаси финал учрашувини бошқариши мумкинлиги ҳақида миш-мишлар тарқалди. Яъни жорий йил ОФК томонидан «Ҳакамлар йили» деб эътироф этилиши муносабат билан ОФК ва УЕФА ҳамкорлиги натижасида ҳамюртимиз Европа чемпионлар лигаси финалини, европалик ҳакамлар эса Осиё чемпионлар лигаси финал учрашувини бошқаради.

Равшан Эрматов эса ЎФФ матбуот хизматига берган интервьюсида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: "Мен бу хабарни тасдиқлай олмайман. Чунки шахсан менга бу борада ҳеч қандай расмий ҳужжат юборилмади. Ҳаммасини вақт кўрсатади".

"НЕФТЧИ" ДУНЁ КУЧЛИЛАРИ САФИДА

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси дунё клубларининг рейтингини эълон қилди. Унга кўра, дунёнинг 350 та клублари орасида Тошкентнинг "Бунёдкор" футбол жамоаси 66-поғонани эгаллаб турибди. Апрель ойидаги жадвалда "қалдирғочлар" 65-поғонани банд этишган эди. Осиё клубларини ҳамон Японияннинг "Гамба Осака" клуби бошқариб бормоқда. Кунчиқар юрт вакиллари айни пайтда дунё гранд клублари рейтингида 21-ўриндан жой олишган.

Рейтинг юртимиз футбол ишқибозларига қувонч улашди, десак муболаға бўлмайди. Аввалари рейтинг жадвалида мамлакатимиздан фақат "Бунёдкор" ва "Пахтакор" жамоалари мунтазам жой олиб келишарди. Баҳорнинг сўнгги ойидан бошлаб эса Фарғонанинг "Нефтчи" клуби ҳам кучлилар сафига киритилди.

ЖАРОҲАТИ ТУФАЙЛИ

Чилилик спортчи Фернандо Гонсалес оёғидаги жароҳат туфайли Германиянинг Мьюнхен шаҳрида ўтказиладиган теннис турнирида иштирок эта олмайди. Бу ҳақда у якшанба куни журналистларга берган интервьюсида айтиб ўтган. У ўша куни «Мастерс» сериясига кирувчи Рим теннис турнирининг ярим финалида испаниялик Рафаэл Надални мағлуб этганди.

Чилилик ракетка устаси мусобақага бормаслиги ойдинлашгач, Мьюнхен турнирининг биринчи рақамли теннисчиси хорватиялик Марин Чилич бўлди. Бундан ташқари, ушбу турнирда wild card олган австралиялик Лейтон Хьюит ҳам қатнашиши кутилмоқда.

ҲАММАСИ БОКСЧИНИНГ ЎЗИГА БОҒЛИҚ

Таниқли спортчи Рикки Хаттон боксдаги фаолиятини тугатиш ҳақида ўйламоқда. У филиппинлик чарм қўлқоп устаси Мэнни Пакьяодан иккинчи раундда нокаутга учраганидан кейин шу қарорга келди. Бу ҳақда Лас-Вегасда ўтказилган учрашувдан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида британиялик боксчининг отаси айтиб ўтган.

— Ҳозир унда шундай имконият борки, катта боксда қолиш ёки қолмасликни унинг ўзи ҳал қилади, — дейди Рэй Хаттон — Албатта, биз унинг қабул қилган ҳар қандай қарорини ҳурмат қиламиз.

Нодир ПАРДАЕВ тайёрлади.

ТАЪЛИМ

Қишлоқ қиёфасини очган мактаб

Мамлакатимизда таълим соҳасида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг умуммиллий дастури" асосида юзлаб мактаблар қурилди, мавжудлари эса қайта таъмирланди.

Жумладан, Зомин туманидаги 56 та мактабда ҳам капитал реконструкция ишлари амалга оширилди. Агар туман халқ таълими бўлимига қарашли 70 дан ортиқ умумтаълим мактаби борлигини ҳисобга олсак, қисқа муддатда катта ишлар амалга оширилгани маълум бўлади. Айниқса, таълим масканларидаги замонавий жиҳозлар, ўқув қуролларини кўриб ҳавасингиз келиши шубҳасиз. Биз бир неча мактабда бўлиб, ўқувчиларга яратилган шарт-шароит, таълим жараёнлари билан танишдик.

2-умумтаълим мактабида айни пайтда 120 дан ошиқ ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Мазкур таълим даргоҳи туманнинг чекка ҳудуди, яъни Сўфи мозор қишлоғида жойлашган.

— Ушбу ўқув масканида 2005 йилда капитал-таъмирлаш ишлари амалга оширилганди, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Ғанишер Шербеков. — Таъмирдан кейин мактаб биноси замонавий қиёфага эга бўлиб, қишлоқнинг кўркига айланди. Тўғриси, янгидан бунёд этилаётган мактаблар нафақат қишлоқларимизнинг, балки туманимизнинг чиройини очмоқда.

Тумандаги барча мактабларда 2-умумтаълим мактабининг биология фани ўқитувчиси Шерали Тоғаевнинг ноанъанавий дарслари оммалаштирилган. Шунингдек, мактабда 2000 дан ошиқ китоблар фонди захирасига эга бўлган кутубхона бунёд этилган.

— Ўқув даргоҳимизда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва ўқувчилар саводхонлигини ошириш борасида "ноанъанавий дарслар" ва янги педагогик технология асосидаги "ультрафаол" усулидаги дарс олиб бориш тизими жорий этилган, — дейди мактаб директори Нурали Тоғаев. — 5 та синф, 1 та лингафон, 1 та компьютер хоналари ва фан кабинетлари мавжуд бўлиб, барчаси ўқувчилар ихтиёрида.

Таълим даргоҳида ўзига хос тартиб-интизом йўлга қўйилган. Шу билан бирга одоб-ахлоқ, миллий қадриятлар доим эъзозланади. Урф-одатларимизга ҳурмат-эътибор ҳам ҳавас қилгулик даражада. Бу ерда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам кўнгилдагидек бўлгани боис, ҳовлига қадам ранжида қилган кишининг баҳри-дили яйрайди. Шу йил баҳор бошланиши билан мактабнинг педагогик жамоаси 500 туп терак қаламчалари, 100 туп мевали дарахт ниҳоллари, 100 туп атиргул кўчатини таълим маскани боғига қададилар.

Норқул МАЪМУР, "Hurriyat" мухбири.

РАССОМ ХАНДАСИ

— Келин бўлмиш оврўпалик баронессами дейман?
— Йўқ-ей, ахир у маҳалламиздаги Эшмат қоровулнинг қизи-ку!

Шавкат МУЗАФФАР чизган сурат.

ТАБИАТ ҲАМ КЎМАККА МУҲТОЖ

(Бошланиши 6-бетда.)

Айни пайтда Қорақалпоғистоннинг Устюрт ҳудудида сайғоқлар бош сони кескин камайган. Шу сабабли "Қизил китоб"ни юритиш Идоралараро комиссиясига кичик қоравойни рўйхатдан чиқариш, сайғоқни эса китобга киритиш бўйича таклифлар берилди. Ёки "Ҳисор" давлат қўриқхонасида "Қизил китоб"га киритилган қор қоплони кейинги ўн йилда 20 бошга, Туркистон силовсини эса 121 бошга ошгани аниқланди. Шунингдек, ноёб ёввойи ҳайвон турларини кўпайтиришга ихтисослашган "Жайрон" экологик марказига 1977 йили халқаро ва Ўзбекистон "Қизил китоб"ларига киритилган жайрон (42 бош) ва кулон (4 бош) келтирилганди. Жайронлар бир неча йил кўпайтирилиб, сўнгра табиатга қўйиб юборилди. Ҳозирги вақтда улар 591 бошни, кулонлар 56 бошни, Прежевал отлари 21 бошни ташкил этади. 2006 йилда олиб келинган 2 бош Бухоро қўйи ҳозир 9 бошга етди.

– Бу борада ўсимликларнинг аҳволи қандай?

–Аввало бир нарсани айтиш лозим: ҳар қандай турнинг йўқолиши уни тиклаб бўлмайдиган оқибатларга олиб келади. Ёввойи ўсимликлар қишлоқ хўжалигида янги, серҳосил маданий навларни яратишда қимматли генетик манбадир. Мамлакатимиз ҳудудида бугунги кунда салкам 4500 та ёввойи ўсимлик ва 2000 дан зиёд замбуруғ турлари мавжуд. Улар орасида жиддий муҳофазага муҳтож бўлган 400 га яқин камёб, эндем ва реликт турлар бор.

Қўмитамиз ходимлари ва Фанлар академиясининг "Ботаника" ИИЧ маркази олимлари биргаликда олиб борган кузатишлар айрим ўсимлик турлари сони ошиб, майдони кенгайганини кўрсатди. Мисол учун, анзур ва Суворов пиёзлари гарчи олдинги ҳолатига келмаган бўлсада, маълум миқдорда кўпайди. Қурама тоғ тизмасида камёб ҳисобланган Коровин ширачи борлиги аниқланди. Айни пайтда Омонқора ўсимлиги, Пском пиёзи, Маргарита мармараги, аҳоли турар жойлари атрофида қизил лола, саллагул, ширач кабилар кескин камайган.

Атроф-муҳит, ўсимлик ва ҳайвонот олами муҳофазаси, авваламбор, инсоннинг ўз ҳаётини, яшаш тарзини ҳимоя қилиш демакдир. Зеро, умримиз табиат билан ёнма-ён, ҳамнафас ва чамбарчас боғлиқ кечади. У бебаҳо неъматларидан бизни баҳраманд этиб, эвазига озгина эътибор, ғамхўрлик сўрайди.

Эргаш ИБРОҲИМОВ суҳбатлашди.

Собир Раҳимов тумани Тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 18 июнь 2008 йилда № 002629-05 рақам билан рўйхатга олинган "CAMO-MEJDUNARODNIY TRENINGVIY CENTR RAZVITIYA CHELOVEKA" масъулияти чекланган жамияти (ИНН: 300866536, ОКПО 22455712) 12.02.2009 йилдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилмоқда.
Кредитор ва дебиторларнинг даъво ҳамда эътирозлари ушбу эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қабул қилинади.
Юридик манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Уста Ширин кўчаси, 116-уй.

Халқаро "Наврўз" хайрия жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими жамоаси жамғарманинг Чироқчи туман бўлими бошлиғи Равшан Жўраевга укаси **Хуррам ЖЎРАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528
Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ
Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ
Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Навоий — 8-436-374-63-11
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Қашқадарё — 8-375-221-78-50
Тошкент — 8-370-383-97-53
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-73-68

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ
Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.40
® — тижорат белгиси.
Адади: 14003 Буюртма — Г-454 2345678